БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 187 (1191)
20 СЕНТЯБРЬ ШАНБА 1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

КПСС XXI съезди шарафига социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарайлик! (1-бет).

Н. С. Хрушчев, К. Е. Ворошилов, ўртоқларга Ким Ир Сен ва Цой Ен Ген ўртоқларнинг телеграммаси (1-бет).

Б. Халилов. — Андижонлик мусобақадошлар чорвачиликдаги камчиликларни очиб ташламоқдалар. (1-бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: **А. Набихўжаев.** — Колхоз партия ташкилоти хўжаликни қолоқликдан чиқариш учун курашмоқда (2-бет).

Л. Охунжонов. — Коммунизм учун жасур курашчилар (2-бет).

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН (3-бет).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАЙ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА: **М. Яҳёев.**—Химик олимларимизнинг изланишлари (3-бет).

БИБЛИОГРАФИЯ: **Ю. Басистов.** — Непал ҳақида китоб (3-бет).

БМТ Бош Ассамблеясининг XIII сессиясида СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг нутқи (4-бет).

БМТ Бош Ассамблеясининг XIII сессиясида қатнашувчи СССР делегацияси матбуот бўлимининг баёноти (4-бет).

Совет кишиларининг тинчлик ишига қўшаётган ҳиссаси. Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг раиси Н. С. Тихонов билан суҳбат (4-бет).

КПСС XXI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

Социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарайлик!

☆ ☆

Ички резервлардан тўла фойдаланайлик

Мамлакатимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг партиянинг навбатдан ташқари XXI съездини чақириш ҳақидаги қарорини ғоят баланд руҳ билан кутиб олдилар. Бу хушхабар совет халқининг сиёсий активлигини, меҳнат соҳасидаги ғайратини ҳамда ижодий ташаббусини яна ҳам ошириб юборди.

Тошкент пойафзалчилари партия ва ҳукуматнинг аҳолини кенг истеъмол товарлари билан мўл-кўл таъминлаш ҳақидаги қарорларини шараф билан амалга ошириш йўлида янгидан-янги резервларни қидириб топмоқдалар ва ишга солмоқдалар. Фабрика доимий ишлаб чиқариш кенгашининг навбатдаги йиғилишларидан бирида илғор ишчи Орифжонов ва корхона бош инженери Шулькин ўртоқлар хомашё етказиб берувчи ҳамда истеъмолчи корхоналар биргалашиб пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида социалистик мажбурият олсинлар, деган таклифни ўртага ташладилар. Маълумки ҳар бир завод ва фабриканинг иши иккинчи бир корхонага бевосита боғлиқдир. Шу сабабли ҳам фабрика коллективи Орифжонов ва Шулькин ўртоқларнинг таклифини атрофлича муҳокама қилиб, материал етказиб берувчи корхоналарга чунончи, Тошкент кўн комбинати, 7-металлфурнитура заводи ҳамда қоғоз комбинатининг коллективларига тежалган хомашёдан пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида биргаликда социалистик мажбурият олиш тўғрисида мурожаат қилди. Пойафзалчиларнинг бу мурожаати хомашё етказиб берувчи корхоналарнинг ишчилари ва инженер техник ходимлари томонидан қизғин кутиб олинди. Ҳар бир корхонада мавжуд имкониятлар ва резервлар кенг ишчилар активининг иштирокида ҳар тарафлама ўрганиб чиқилди. Шундан сўнг ҳар тўрттала корхона коллективлари биргаликда ўз зиммаларига бу йил материал ва хомашёларни тежаб-тергаб ишлатиш, мавжуд асбоб-ускуналар қувватидан ва ишлаб чиқариш майдонларидан тўла ҳамда унумли фойдаланиш, иш процессларини, даставвал оғир ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш йўли билан меҳнаткашларга пландан ташқари 300 минг жуфт оёқ кийими етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Гир ёқадан бош чиқариб, бир жон-бир тан бўлиб ишлаш ҳозирнинг ўзидаёқ жуда яхши натижаларни берди. Пойафзалчилар шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида қарийб 200 минг жуфт оёқ кийими, шу жумладан тежаб қолинган хомашё ва материаллар ҳисобидан 100 минг жуфтга яқин оёқ кийими ишлаб чиқардилар. Қоғоз комбинатининг коллективи эса 200 минг жуфт пойафзал учун деталь тайёрлашга сталинган хомашё тежади. Кўн комбинати иқтисод қилинган хомашё ҳисобидан қарийб 250 минг квадрат дециметр маҳсулот тайёрлади.

Лекин шуни айтиш керакки, областимизнинг айрим корхоналарида мавжуд резерв ва имкониятлардан ҳали ҳам кўнгилдагидек фойдаланилмаётир. Бунга Тошкентдаги 2-авторемонт заводини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Корхонада ҳамма имкониятлар бўлишига қарамай, давлат планлари бажарилмаётир. Жумладан, август ойида заводдаги барча цехлар ичида фақат биргина цех планни бажарди, холос. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш соҳасида жиддий камчиликлар бор. Цех ва участкалар учун тузилган графиклар қоғозда қолиб кетаётир. Шу сабабли ҳам, ойнинг дастлабки декадасида асбоб-ускуналар ва ишчилар кўпинча бекор туриб қоладилар, охирги декада эса «чоп-чоп» бошланади. Завод раҳбарлари ишлаб чиқаришни пухта ташкил этиш, коллективнинг ижодий ташаббусини корхона техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга сафарбар қилиш масалалари билан юзаки шуғулланмоқдалар.

Шуни унитмаслик керакки, ички резервлардан ишнинг кўзини билиб, тўғри фойдаланиш — давлатдан қўшимча хомашё, материал, асбоб-ускуналар олмасдан туриб, мавжуд ишлаб чиқариш майдонлари ҳамда ишлаб чиқариш қувватлари ёрдами билан қўшимча равишда маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Резервларимиздан қанчалик тўла фойдаласак, тайёрланаётган маҳсулот таннархи ҳам шунчалик камаяди. Бинобарин, давлат бюджетига қўшимча равишда жамғарма беради. Бу жамғармалар эса халқимизнинг моддий-маданий турмуш шароитини янада яхшилаш учун янги имкониятларни вужудга келтиради.

Халқимизнинг «тома-тома кўл-бўлур...» деган ғоят ҳикматли мақоли бор. Дарҳақиқат, граммлардан килограммлар, килограммлардан эса тонналар, тийинлардан сўмлар, сўмлардан эса миллионлар ҳосил бўлади. Даъфатан қараганда арзимас бўлиб кўринган рақамлар, яъни грамм ва тийинлар бутун корхона бўйича, район ва шаҳар бўйича тонна ва миллионларни ҳосил қилади. Барча корхоналарда хомашёни тежаб-тергаш ва ана шу иқтисод қилинган материаллардан халқ хўжалиги учун қўшимча равишда кўплаб маҳсулот тайёрлаш имконияти бор. Ҳамма гап ана шу резервлардан усталик билан фойдаланишда қолган.

Мавжуд резервлардан унумли фойдаланиш — давлат планларини тўла ҳамда ошириб бажариш учун, халқимизга қўшимча равишда кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш учун, бинобарин Ватан бойликларини тағин ҳам кўпайтириш учун ғоят катта имкониятларни вужудга келтиради. Партия XXI съездининг чақирилиши муносабати билан вужудга келган кенг меҳнаткашлар оммасининг сиёсий активлиги, ижодий ташаббуси ва меҳнат соҳасидаги кўтаринкилигини ҳар бир корхона, ҳар бир қурилишдаги мавжуд резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланишга сафарбар этиш — партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг жонажон ишидир.



Октябрь районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг ўртоқ М. Алимов бошлиқ бригадаси ҳар куни тайёрлов пунктига 2-3 тоннадан пахта жўнатиб турибди. Суратда: хирмондан пахта жўнатиш пайти.
Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ҳосилнинг ярмидан кўпроғи машинада териб олинади

«Оққўрғон» пахтачилик совхози коллективи бу йил она-Ватанга 15 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун курашмоқда. КПССнинг навбатдан ташқари XXI съездини чақириш ҳақидаги хабардан руҳланган ишчи ва механизаторлар бу юксак мажбуриятни шараф билан бажариш учун ҳар қачонгидан ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилаётирлар. Совхоздаги барча ишчи кучи ва техника воситалари ана шу юксак мажбуриятни бажаришга тўла сафарбар этилган.

Совхоз коллективининг уюшқоқлик билан фидокорона меҳнат қилиши натижасида ҳозир пахта далаларида олинган мажбуриятни ошириб бажаришни таъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштирилди. Текширишлар шуни кўрсатдики, ғўзанинг пастки уч шохида 10 тадан кўсак етиштирилган. Бу кўсаклар ҳозир қийғос очилмоқда ва ҳар бир шохдаги чаноқлардан 74 граммдан лўппи пахта териб олинаётир. Бу ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил йиғиб олиш имконини беради.

Совхоз коллективи пахта йиғим-теримига айниқса пухта тайёргарлик билан киришди. 5270 гектар пахта майдонининг 3073 гектари, ёки барча майдоннинг 60 проценти машинада териб олишга ажратилди. Совхозда 98 та пахта териш машинаси, шундан 87 та СХМ-48 М, 7 та СХМ-48 ва 4та СХС-1,2 машинаси теримга тахт қилиб қўйилди. Бу машиналарда ишлаш учун 98 та механик-ҳайдовчи танлаб олиниб қайта тайёрланди. Шунингдек машиналар терган пахтани тўкиш учун 103 минг квадрат метр ҳажмдаги 253 та хирмон ҳозирланди.

Айниқса совхознинг 1-бўлим механизаторлари пахтани машинада териб олишга пухта тайёрлик кўрдилар. Улар ўзларига биркитилган 488 гектар пахта майдонининг 320 гектарини машинада теришга ажратдилар. Илғорлар барча имкониятлардан унумли фойдаланиб, асосий майдонлардаги пахтани машинада териб олишга тайёрланмоқдалар.

Совхознинг ҳамма бўлимларида пахтани яхши очилтириб, 3-4 марта териб олишга катта эътибор берилмоқда. Пахта теришга сарфланадиган меҳнатни камайтириш, пахтани юқори сортлар билан териб олиш совхоз ишчи ва механизаторларининг диққат марказида турибди. Бу муҳим вазифани пахта териш машиналаридан унумли фойдаланилганлигина муваффақиятли бажариш мумкин. Шунинг учун ҳам совхозда машинада пахта теришга кўплаб майдон ажратилмоқда.

Совхозда барча майдонларни дефолиация қилиш учун Граждан Ҳаво Флоти билан шартнома тузилди. 18 тонна хлорат магний ташиб келтирилди. 2 та самолёт 26 сентябргача ғўзаларни дефолиация қилиб чиқади.

Совхоз механизаторлари чигит 60х45, 50х50 схемасида экилган майдонларни ҳам машинада теришга мўлжалламоқдалар.

Жуда кўп моҳир механизаторлар мавсум давомида ўз машиналарида 70-80 тоннадан юқори сифатли пахта териб беришга аҳд қилдилар. Совхоз коллективи тез кунларда пахта териш машиналарини ишга тушириб, ҳар куни йиллик планнинг 2-3 проценти миқдорида пахта топшириш ва КПСС XXI съездига муносиб совға тайёрлаш учун курашмоқда.

Г. МИЛЬМАН.
Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлигининг бош агрономи.

ПАРКЕНТ РАЙОН ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ КАТТА ЮТУҒИ

Кеча Паркентдан телеграмма келди. Бунда қуйидагилар хабар қилинади:

Паркент районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб ғалла тайёрлаш соҳасидаги ишлар суръатини кучайтириб юбордилар. Натижада ғалла тайёрлаш юзасидан олинган социалистик мажбурият ошириб бажарилди. Давлатга 8860 тонна ўрнига 9610 тонна ғалла топшириб берилди. Ҳар гектар ердан 10 центнердан ҳосил йиғиб олинди.

Шунингдек, районда давлатга жут етказиб бериш плани ҳам ошириб бажарилди. Район чорвадорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб 1 октябргача яна 50 центнер жун етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Ўрта Чирчиқ райони жун ва тухум тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари ошириб бажарди

Аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштиришда яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш ва ўзиб кетиш учун бошланган умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшиш учун курашаётган Ўрта Чирчиқ район чорвадорлари шу йил 19 сентябргача пландаги 467,1 центнер ўрнига 473 центнер сифатли жун топширдилар ва йиллик планни 101,5 процент қилиб бажардилар. Шу муддатгача 305 минг дона ўрнига 316 минг 800 дона тухум топширилиб йиллик план 103,7 процент адо этилди.

Район чорвадорлари КПСС XXI съезди шарафига ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олмоқдалар. Улар планга қўшимча равишда 10 процент миқдорида жун ва 10 минг дона тухум топширишга аҳд қилдилар.

Область районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1958 йил 19 сентябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш	Районлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
Бекобод	3,69	0,89	Бўстонлиқ	1,45	0,70
Боёвут	3,17	0,71	Сирдарё	1,15	0,71
Пискент	3,06	0,85	Чиноз	1,14	0,38
Бўка	2,33	0,57	Мирзачўл	1,05	0,50
Оққўрғон	2,28	0,58	Янгийўл	1,03	0,30
Гулистон	2,20	0,56	Юқори Чирчиқ	0,92	0,53
Верхне-волинск	2,04	1,14	Ўртасарой	0,81	0,36
Оржоникидзе	1,57	0,41	Октябрь	0,65	0,38
Ўрта Чирчиқ	1,54	0,40	Қуйи Чирчиқ	0,45	0,19
			Оҳангарон	0,18	0,18
			Калинин	—	—

Василий Бибаров ўз сўзининг устидан чиқмоқда

Василий Бибаровни Чиноз районидагина эмас, областимизда кўпчилик танийди. У, пахтани машина билан теришда, ғўзани икки томонлама культивация қилишда донг чиқарган уста механизаторлардан. Василий бу йил баҳорда донгдор механизатор Валентин Тюпко методи ҳақида хабар эшитиб қолди. Шундан кейин колхоз правлениесига бориб 30 гектар ер ажратиб беришни сўради ва шу майдонда кетмон ишлатмай пахта етиштиришга аҳд қилганлигини айтди. Правлениедагилар ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватладилар ва Василий Бибаровга амалий ёрдам беришга ваъда бердилар. Иш бошланиб кетди.

Мана, бугун шу донгдор механизатор ишлаётган 30 гектар ердаги ғўза жуда серҳосил бўлиб етишди. Ўзи чигит эккан, шу далаларда ғўзани ўзи культивация қилган ва бугунги кунда ўз даласидаги пахтани машина билан териб олишга тайёрланаётган Василий Бибаров ишлаган колхоз правлениеси ҳам, қишлоқдаги каттадан-кичик ҳам хурсанд бўлмоқда. Бригада ғўзалари беш марта узунасига, тўрт марта кўндалангига культивация қилинди, механизация ёрдамида озиқлантирилди. Бригада ғўзасини суғоришда 67 ёшли Мажит ота Шўтаев катта хизмат кўрсатди.

Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Василий Бибаров ишлаётган далаларда ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил йиғиб олиш мўлжалланаётир. Бу ҳосилнинг кўп қисми машиналар билан териб олинади.

Р. МУҲСИМОВА.

Андижонлик мусобақадошлар чорвачиликдаги камчиликларни очиб ташламоқдалар

Мусобақадош Андижон областидан келган чорвадорлар бригадаси областимизда жамоат чорвачилигини ривожлантириш соҳасида қилинаётган ишларни текширмоқдалар. Мусобақадошлардан бир группаси Янгийўл ва Октябрь районларидаги колхозларнинг сутчилик фермаларида бўлдилар.

Октябрь районидаги «Шарқ юлдузи», Сталин номли колхозларда ҳам чорва маҳсулоти тайёрлаш ўтган йилга нисбатан анча ошган.

— Биз айниқса Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг сутчилик фермасини кўриб анча нарсаларни ўргандик, — деди ўзаро текшириш бригадасининг бошлиғи Чинобод район партия комитетининг секретари ўртоқ В. М. Максимов, — бу фермаларда бузоқларни сақлаш яхши йўлга қўйилган, туғадиган сигирлар учун алоҳида хоналар қилинган, бузоқларга сутни соғиб бериш методи, сигирларни сунъий қочириш жорий этилган. Кўпчилик колхозларда янги ва яхши сигирхоналар қурилган, чорвачилик ишлари механизациялаштирилган. Буларни кўриб биз қувондик.

Шу билан бирга мусобақадошлар ҳар икки райондаги колхозларда чорвачилик соҳасида йўл қўйилган қатор камчиликларни ҳам дўстона равишда кўрсатиб бердилар. Янгийўл районидаги Жданов номли колхознинг сутчилик фермасидаги аҳволни кўриб меҳмонлар хафа бўлдилар. 56 сигирнинг кўпчилиги ориқ, сигирхона жуда ифлос. Бу ерда зоотехника қоидаларига мутлақо риоя қилинмаётгани яққол кўриниб турипти. Бу колхозда касал сигирлар билан соғлом сигирлар бир ариқдан суғорилар экан. Бруцеллёз касали билан оғриган сигирлар ёнига зотли буқа бойлаб қўйилган. Колхоз раиси ўртоқ Кан ҳам, ферма мудири ўртоқ Хусниддинов ҳам бу аҳволни яхшилаш чорасини кўрмаганлар. Бу колхозда ем-хашак тайёрлаш ҳам кўнгилдагидек эмас.

«Коммунизм» колхозида чўчқалар яхши боқилмаётир. 15 та чўчқага кичик бир идишда овқат берилмоқда. Зоотехник ўртоқ Тихонов бу аҳволга бефарқ қараб юраберган. Свердлов номли колхозда айрим сигирлар 6 ойлаб қисир қолдирилган.

Андижонли мусобақадошлар Октябрь районидаги бир қатор колхозларда бўлиб, чорвадорларга шу каби камчиликларни кўрсатдилар.

Калинин номли колхоз яхши сигирхона, чўчқахоналар қурган. Лекин бу ерда етарли тартиб ўрнатилмаган. Сутчилик фермаси мудири Қўчқорхўжа Одиловнинг гапга чечан, ишга нўноқлиги яққол кўриниб турипти.

Айниқса бу ерда ем-хашакни тежаб сарфлашга мутлақо эътибор берилмаганидан оёқ остларида хашаклар эзилиб ётибди. Ленин номли колхозда силос ва ем-хашак тайёрлашга етарли эътибор берилмаган, 600 тонна ўрнига 200 тонна ем-хашак тайёрланган.

Андижонли мусобақадошлар бошқа колхозларда ҳам йўл қўйилаётган шу каби камчиликларни кўрсатиб, аҳволни тузатиш тўғрисида тегишли маслаҳатларни бердилар.

Б. ХАЛИЛОВ.
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Чорвачиликка эътибор кучайтирилиши керак

Шу кунларда областимиз колхоз ва совхозларида мусобақадош Андижон область чорвадорларининг ўзаро текшириш бригадаси чорвачилик ишларимиз билан танишмоқдалар. Улар яқинда Мирзачўл районидаги Сталин номли колхоз фермаларида бўлдилар. Андижонликлар Тошкент областида намунали сутчилик фермалари ташкил этилганлиги ва бу ерлардаги иш намунали йўлга қўйилганлигини яхши билар эдилар. Лекин улар Сталин номли, «Октябрь» колхозларида бўлганларида Тошкент областида ҳам чорвачилик билан жиддий шуғулланмаётган раҳбарлар бор эканлигини пайқадилар. Меҳмонлар Сталин номли колхознинг сутчилик фермасида бўлганларида аҳволни кўриб жуда ачиндилар. Афтидан колхоз раҳбарлари (раиси ўртоқ Муҳамедов) бу фермага кўпдан бери келмаган бўлсалар керак. Раис кўп вақти пахта билан банд бўлганлигини рўкач қилишдан ўтмади. Сигирларни боқиш ёмон аҳволдалиги туфайли сут соғиб олиш кескин камайиб кетган. Мусобақадошлар колхозда 8 ой ичида 1957 йилнинг шу муддатидагига қараганда ҳар бир сигирдан 213 килограммдан кам сут соғиб олинганлигини аниқладилар ва колхоз раҳбарларини қаттиқ танқид қилдилар.

Райондаги «Октябрь» колхози илғорилари чорвачиликни ривожлантиришда шуҳрат қозониб келган эди. Афсуски кейинги вақтда бу колхоз ҳам сигирлардан кам сут соғиб олмоқда. Андижонликлар текширишда ҳар бир сигирдан бултургига қараганда 183 килограммдан кам сут соғиб олиб, қўшни колхозларга қараганда анча орқада қолиб кетган. Сталин номли, «Октябрь» каби ўтган йилларда сигирлардан кўплаб сут соғиб олган колхозлар чорвачилик соҳасидаги ишларни бўшаштириб юборганликлари учун умуман Мирзачўл районида сигирлардан сут соғиб олиш жуда пасайиб кетган.

Район партия ва совет ташкилотлари чорвачилик билан жиддий шуғулланишлари, бу соҳадаги камчиликларни тезда бартараф қилиш учун курашишлари зарур.

Андижонликлар «Ховос» совхозида бўлиб, бу ерда қиш учун ем-хашак тайёрлаш ғоят ёмон аҳволдалигини кўриб ачиндилар. Асосан чорвачилик билан шуғулланувчи бу совхоз силос бостириш топшириғини 30 процентдан сал кўпроқ бажарган. Бироқ совхоз раҳбарлари ширалик ем-хашак тайёрлашга шу кунларда ҳам етарли эътибор бермаётирлар. Совхоз директори ўртоқ Камолитдинов ҳозирги пайтда ҳар бир сигирдан кунига 1-2 литрдан сут соғиб олинаётганлигини билмайди дейсизми? Билади. Лекин шунга қарамай у чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулдорликни ошириш тўғрисида астойдил ўйламаётир.

Меҳмонлар 1-«Боёвут» совхозида бўлганларида фермалардаги иш бирмунча яхши уюштирилганлигини, шунинг натижасида маҳсулот олиш кўпайганлигини билиб хурсанд бўлдилар. Улар совхоздан чиқиб, шу райондаги «Коммунизм» колхозига борганларида бутунлай бошқача аҳволга дуч келдилар. Чунки бу колхознинг раҳбарлари асосан пахтачилик билан шуғулланиб, чорва молларини яхши парвариш қилишга ва улардан кўплаб маҳсулот олишга панжа орасидан қараб келганлар.

Мусобақадош Андижон областидан келган ўзаро текшириш бригадаси областимиз колхоз ва совхозлари чорвачилик фермаларидаги камчиликларимизни дўстона очиб ташлаётган эканлар, уни тезда тугатиш, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш учун астойдил курашиш шу кунлардаги энг муҳим вазифалардандир.

☆ ☆



Суратда: мусобақадош Андижон областидан келган чорвадорлар бригадаси Октябрь районидаги Калинин номли колхоз фермасини кўздан кечирмоқдалар.
В. Салов фотоси.

ТЕЛЕГРАММА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи Секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВГА
СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. Е. ВОРОШИЛОВГА

Москва, Кремль.

Бутун корейс халқи номидан Сизга ва Сиз орқали қардош совет халқига Корея Халқ-Демократик Республикаси тузилганига 10 йил тўлиши муносабати билан қизғин табриклар учун ҳамда корейс халқига ва унинг эришган муваффақиятларига қарата айтилган самимий сўзлар учун чин кўнгилдан ташаккур йўллаймиз.

Корейс халқи ўзининг халқ-демократик тузумини изчиллик билан мустаҳкамлаб ва ривожлантириб бораётган ҳамда бундан буён ҳам социалистик интернационализм принципларида КХДР билан СССР ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш учун бутун кучларини сарф қилади.

Биз улуғ совет халқига муваффақият билан коммунизм қурилиши учун, бутун дунёда мустаҳкам тинчлик учун ва инсониятнинг баҳт-саодати учун олиб борилаётган ижодий меҳнат курашида янгидан-янги ғалабаларга эришишни чин кўнгилдан тилаймиз.

Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Раиси, Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар кабинетининг Раиси
КИМ ИР СЕН

Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Президиумининг Раиси
ЦОЙ ЕН ГЕН

Пхеньян, 1958 йил 17 сентябрь.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Колхоз партия ташкилоти хўжаликни қолоқликдан чиқариш учун курашмоқда

«Коммунизм» колхози илғарилари Қуйи Чирчиқ районида энг қолоқ хўжалик ҳисобланарди. Сўнгги йилларда район партия комитети бу колхозни ишчан, ташаббускор, хўжаликни бошқаришга уста кадрлар билан мустаҳкамлашга катта эътибор берди. Жумладан, шу колхозда ўсиб тарбияланган агроном Асад Раҳматов колхозчиларнинг истаги билан раисликка сайланди. Коммунистлар бир неча йил давомида партия ишида хизмат қилиб келган Достон Ҳасанбоевни партия ташкилотининг секретарлигига сайладилар.

Кўпчиликнинг истаги ва талаби билан сайланган бу раҳбарлар асосий ишни кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдан, коммунист ва комсомолларни ишлаб чиқаришнинг энг қийин участкаларига қўйиш ва уларнинг масъулиятини оширишдан, колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни тўблан яхшилашга киришишдан бошладилар.

2,6, 13-бригадалар 7-8 йиллар буён сурункасига каноп-жут топшириш планини бажара олмасди. Бу бригадаларга бошчилик қилиш вазифаси коммунист Икром Холдоров, шунингдек Гул қишлоқ советининг депутати Маториф Турдибоев, комсомол аъзоси Олтинбой Музаффаров ўртоқларга юклатилди. Ана шу бригадаларнинг звеноларига эса икки коммунист ва саккиз комсомол бошлиқ қилиб тайинланди.

Колхоз партия ташкилоти правление билан бамаслаҳат бошқа бригадаларда ҳам шу сингари ташкилий тадбирларни амалга оширди, бригада ва звено бошлиқларининг масъулияти ҳамда ташаббускорлигини оширишга қаратилган бир қатор чораларни кўрди. Қишлоқ хўжалик артели аъзоларининг ҳамма участка ҳамда бригадаларда унумли ва сифатли ишлаш учун курашни қизитиб юбориш колхоз партия ташкилотининг диққат марказида турди. Колхозчилар ўртасида олиб борилган оммавий-сиёсий ишларнинг эътибори ана шу мақсадга бўйсиндирилди.

Колхоз агитпункти қайта ускуналанди. Агитаторлар сафи коммунист ва комсомоллар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, ўқитувчилар ҳамда ишлаб чиқариш илғорлари ҳисобига тўлдирилди. Илғарилари онда-сонда чиқадиган «Ҳосил учун кураш» деворий газетасининг редколлегияси қайта сайланди ва газета мунтазам чиқиб турадиган бўлди. Агитатор Юсуп Тўлаганов «Найза» номли сатирик деворий газетани мунтазам чиқара бошлади. Агитаторлар ва колхознинг партия ҳамда хўжалик раҳбарлари артелни қолоқликдан чиқариш учун нималар қилиш керак деган темада бригада ва звеноларда мазмунли суҳбатлар ўтказдилар.

Далада индивидуаль ва коллектив социалистик мусобақа қизитиб юборилди, колхозчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун қулай шароитлар яратиб берилди, дангасаларга, меҳнат интизомини бузувчи ва сифатсиз ишловчиларга қарши кураш кучайтирилди.

Хуллас, кўпчиликнинг бир жон, бир тан бўлиб астойдил бел боғлаб ишлаши натижасида колхоз хўжалиги анча тикланиб қолди. Айниқса бу йил колхоз коммунистлари артелни райондаги илғор хўжаликлар қаторига етказиб олиш учун эўр куч ва ғайрат билан киришдилар. Партия ташкилоти оммани меҳнат активлигини ва ғайрат-ташаббусини тинмай ошира бориш мақсадида оммавий-сиёсий ишларни ҳар қачонгидан ҳам кучайтириб юборди. Деворий газета, «Жанговар варақа»лар орқали илғорларнинг тажрибаси кенг оммалаштирилиб, ишдаги камчиликлар очиб ташланди.

Ҳамма бригадалардаги дала шийпонлари шинам безатилган ва радиолаштирилган. Дала шийпонлари ҳузурида кўчма яслилар иссиқ овқат ташкил этилган.

Кўпчилиги коммунист ва комсомоллардан, қишлоқ хўжалик мутахассислари ҳамда ўқитувчилардан иборат агитколлектив аъзолари колхозчилар ўртасида сиёсий темаларда, каноп-жут етиштиришнинг илғор методлари, агротехника янгиликлари тўғрисида ҳамда кўпчиликни қизиқтирадиган бошқа темаларда мунтазам равишда лекция ва суҳбатлар ўтказиб турадилар. Бош ҳисобчи Имомов, врач Муртазоев, агроном Шамсиев ва ўқитувчи Қосимов ўртоқлар сиёсий агитация ишларини ҳундалик ҳаёт, колхоз ишлаб чиқаришининг конкрет вазифалари билан боғлаб олиб боришда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Яқинда Абдуғани Имомов коммунист Икром Холдоров бошлиқ бригада дала шийпонида тушки дам олиш пайтида «Мўл ҳосил-катта даромад манбаидир» деган темада суҳбат ўтказди. Агитатор колхозларда кўп ҳосил етиштиришнинг социалистик халқ хўжалиги ва халқимиз учун қандай катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида қисқа ҳамда содда гапиргач, юқори ҳосил етиштириш колхоз ва колхозчиларнинг ўзлари учун ҳам манфаатли эканини конкрет мисолларда кўрсатди.

— 1954 йили колхозда 955 гектар ерга каноп-жут экилиб, 26369 центнер ҳосил олинган ва ундан салкам 2 миллион сўм даромад қилинган, ҳар меҳнат кунига 1 сўм 16 тийиндан пул тақсимланган эди, — деди у. — Ўтган йили колхозимизнинг аъзолари жонбозлик кўрсатиб ишладилар. Колхоз давлатга 33 минг 500 центнер каноп-жут пояси топшириб, 3 миллион сўм даромад қилди. Ҳар бир меҳнат кунига 8 сўм 80 тийиндан, яъни 1954 йилдагига қараганда 7 баробар кўп пул тақсимлаб берилди.

Бу йил бултургидан анча кўп ҳосил етиштирдик. Ҳозирнинг ўзида гектаридан 62 ўрнига 110-120 центнердан каноп йиғиб олинди. Агар барча ҳосилни нобуд қилмай тез йиғиштириб олсак ва заводга топширсак, даромад камида 10,5 миллион сўмга етади. Ҳар меҳнат кунига 16-17 сўмлан пул тақсимланади.

Бу мароқли суҳбатни бригада аъзолари мамнуният билан тингладилар, улар ўз меҳнатларининг қадрига янада тўлароқ тушунган ҳолда ғайратларига ғайрат қўшиб ишга киришдилар. Шу кунларда бу бригаданинг аъзолари каноп-жутни йиғиштириб олиш суръатини тобора оширмоқдалар. Коммунист Х. Мирзаназаров, комсомол Х. Холматов ўртоқлар сингари илғорлар кунига «НП-9» маркали машинада нормадаги 4 тонна ўрнига 7—7,5 тонна каноппинг пўстлоғини шилмоқдалар.

Қисқа қилиб айтганда колхоз партия ташкилоти хўжаликни қолоқликдан чиқариш тадбирларини муваффақият билан амалга оширмоқда.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

Тепловозларни ремонт қилишга киришилди



Тошкентдаги «Октябрь революцияси» номли паровоз-вагон ремонт заводи коллективи олтинчи беш йиллигининг охирига бориб тепловозларни ремонт қилишга киришиши керак эди. Коллектив тепловозларнинг барча узеллари ремонт қилинадитан махсус участкалар ташкил этди. Ремонт ишларини олиб борадиган алоҳида бригадалар тузилди.

Заводнинг етакчи инженер-техник ходимлари раҳбарлигида тепловоз узелларини регулировка қилиш, электр асбобларини ремонт қилишга оид ишлар кучайтириб юборилди. Бунинг натижасида тепловозларни ремонт қилиш ишлари белгиланганидан анча илгари бошлаб юборилди.

Заводда тепловоз тузилишини пухта ўрганиш мақсадида махсус курс ташкил этилди. Бу курсда юзларча ишчилар ўқиб чиқдилар.

Шу кунларда «ТЭ-3» маркали қудратли биринчи тепловоз ремонт қилинаётир. Унинг барча узеллари қисм-қисмларга бўлиниб, қайтадан йиғилмоқда. Партиянинг навбатдан ташқари XXI съезди чақирилиши ҳақидаги хушхабардан руҳланган ишчилар тепловоз ремонтини муддатидан илгари бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ж. МАҲМУДОВ.

Суратда: Заводга келтирилган дастлабки тепловоз.

СССР МЕДИЦИНА ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИНИНГ САЙЁР СЕССИЯСИ

СССР Медицина фанлари академиясининг Тошкентда бўлаётган сайёр сессияси 17-19 сентябрдаги мажлисларида ош қозони-ичак касалликларига қарши кураш проблемаларини муҳокама қилди.

Сессияда қайд қилиндики, совет медицина фани бу касалликларнинг диагностикаси, даволаш ва профилактикаси масалаларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқишда анча муваффақиятларга эришди. Бундай касалликларга қарши курашга ёрдам берадиган ташкилий ва даволаш-профилактика тадбирлари амалга оширилди. Айни бир вақтда ош қозони-ичак касалликлари, юқумлилари ҳам, юқумсизлари ҳам аҳолининг соғлиғига, жумладан иқлими иссиқ жойларда ҳанузгача анча зарар етказмоқда. Бу эса ҳазм қилиш органларининг паталогиясига доир масалалар юзасидан илмий-тажриба ва клиника ишларини янада кенгайтиришни талаб қилади.

СССР Медицина фанлари академиясининг корреспондент-аъзоси И. А. Кассирскийнинг «Ўрта Осиёда ичак патологиясининг актуал проблемалари» тўғрисидаги докладида ачиш ичак синрома деб аталган касаллик чуқур анализ қилинди.

Сессиядаги бир қанча докладлар ош қозони-ичак касалликларига қарши курашга ва Ўзбекистонда ободончиликнинг санитария-гигиена масалаларига бағишланди.

Сессияда ҳаммаси бўлиб 30 га яқин илмий доклад тингланди.

Сессия ўз ишини давом эттиради. (ЎзТАГ).

Тўқимачилар миннатдор

— Нинага ёрдам бермасангиз бўлмайди, Анна Григорьевна, — деди 2-тўқув фабрикасининг смена мастери Новикова фабрика касаба союз комитетининг раиси Липатовага. У, алланималарни ўйлаб турдида, кейин раисга яна тушунтира кетди.

— Нина Ермолаева фабриканинг илғор ишчиларидан, одоби актив қиз. У, олган 15 кунлик иш ҳақини йўқотиб қўйибди. ёрдам берилмаса қийналиб қолади. Ўзи анча йилдан бери союз аъзоси, ёрдам қилиш керак, — сўзини тугатди мастер...

Цехком қарори ва фабком тасдиқига биноан Ермолаевага 200 сўм пул ёрдам берилди. У, касаба союз ташкилотининг ғамхўрлиги орқасида муҳтожликни сезмай навбатдаги маошга етиб олди...

Кўп минг кишилик Тошкент тўқимачилик комбинатида ишчи ва хизматчиларнинг моддий-маданий ва маиший турмушларини тўхтовсиз яхшилаб бориш тўғрисида ғамхўрлик қилинаётир. Комбинат дунёдаги энг йирик тўқимачилик корхоналаридан бири ҳисобланади. Меҳнатсевар коллектив давлат планларини мудом ортиғи билан адо этиб келмоқда.

Мана шунинг учун ҳам комбинатда ишчи ва хизматчиларга, инженер ва техник ходимларга мукофот ва ёрдам тарзида бериладиган ҳамда капитал қурилиш, маданий-маиший тадбирлар учун сарфланадиган пул, яъни корхона фондининг миқдори йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу йилги фондининг ёрдам ва мукофот тарзида бериладиган қисми 201 минг сўм, бунга ўтган йилдан қолган 103 минг сўмни қўшиб ҳисобласак 304 минг сўмни ташкил этади. Шу йил август ойигача ишчи ва хизматчиларга қарийб 22 минг сўм мукофот ва сал кам 150 минг сўм ёрдам пули берилди.

Белгиланган қоидага мувофиқ фонд маблағлари мутлақо коллегиалчилик принципи асосида харажат қилинади. Бир ишчи уйини ремонт қилянти, иккинчи бир ишчи иморат қурмоқда, учинчиси тўй қилмоқчи. Улар бировдан қарз сўраб юрмайдилар, балки маъмуриятга, касаба союз ташкилотига мурожаат қиладилар. Ўринлик сабаб билан мурожаат эттанларнинг ҳеч бири қуруқ қайтмайди — ё корхона фондидан ёки касаба союз маблағидан ёрдам берилади.

Арқоқчи Л. Газимова, монтёр А. Ғозиев, йигирувчи М. Пахомова, тўқувчи А. Нурмуҳамедова, бўёқчи Г. Саплина, калаваловчи Н. Каримбердиева, юкчи А. Йўлдошев ва бошқа ишчилар ёрдам олиб, хурсанд бўлдилар. Ишчи ва хизматчилар маъмурият ва касаба союз ташкилотидан миннатдор бўлиб, меҳр ва иштиёқ билан ишламоқдалар, тобора кўп ва сифатли маҳсулот бермоқдалар.

— Тўпланган взноснинг 70 процентини касаба союз ташкилотининг ўзи фойдаланадиган қилиб қўйилгани жуда маъқул иш бўлди,—дейди комбинат фабкомининг раиси Олим Аҳмаджонов. — Энди биз ходимларга илғаригидан анча кўп ёрдам бераётирмиз. Шу йилнинг 7 ойи ичида 65 минг сўмлан кўп ёрдам пули бердик. Оммавий-сиёсий ва маданий-маиший тадбирлар учун 47 минг сўм, физкультура ва спорт ишларига ҳамда спорт инвентарлари сотиб олишга 57 минг сўм пул сарфладик.

Кўриниб турибдики, корхона фондига касаба союз маблағи қўшилгач, коллективга мукофот ва ёрдам тарзида бериладиган суммасининг миқдори салмоқли рақамни ташкил этади. Бунинг устига 1957 йилнинг 4-кварталида ҳамда шу йилнинг 1-кварталида енгил саноат ходимлари ўртасидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақада юқори кўрсаткичларга эришган комбинат ВЦСПС Президиумининг қарорига биноан илғорларни мукофотлаш, маданий-маиший тадбирларга сарфлаш учун 562 минг сўмдан икки марта мукофотланди. Мусобақа илғорларидан слесарь Н. Ниёзов, бўёқчи З. Қурбонов, дуралгор А. Майкин, йигирувчи Н. Николаева, тўқувчи М. Абдуллаева, В. И. Копилев, Е. Одилов ва бошқа ўнлаб актив рационализаторлар самарали меҳнатлари учун яқинда пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

Йил бошидан бери маъмурият ва касаба союз ташкилоти йўли билан жамъи минтга яқин киши пул билан мукофотланди. Халол меҳнати туфайли моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаётган, эҳтиёж сезганида беминнат моддий ёрдам олаётган тўқимачилар шундай шароит яратиб берган партия ва ҳукуматга чексиз миннатдорчилик билдирмоқдалар.

З. ИСРОИЛОВ.

Фан ва техника янгиликлари

ПЛАСТМАССАДАН ЯСАЛГАН КАТЕР

Москвадаги Калинин номли завод коллективи пластмасса илмий-текшириш институтининг ходимлари билан ҳамкорликда пластмассадан катер яратдилар. Яқинда бу катер Москва каналида синаб кўрилди. Одатдаги ёғоч ва металлдан ясалган кемага қараганда бу катер жуда енгил, унинг оғирлиги ҳаммаси бўлиб 1340 килограммдир. Кеманинг корпуси ҳамда айрим деталлари полиэфир смоласи ҳамда шиша толасидан ясалган. Ўзининг сифат кўрсаткичлари бўйича энг яхши пўлатдан қолишмайдиган бундай материаллардан фойдаланиш кема қуриш процессини соддалаштирди.

Янги катер 10-12 пассажирга мўлжалланган бўлиб, у соатига 25 километргача тезликда юради.

Шу кунларда завод коллективи илмий-текшириш институтининг ходимлари билан биргаликда пластмассадан теплоход тайёрлаш соҳасида иш олиб бормоқда.

ВОДОПРОВОД КРАНИДАН ИССИҚ СУВ ОЛАСИЗ

Водопровод кранига пластмассадан ясалган ва ҳамма стакандан сал каттароқ бўлган цилиндрки ўрнатасиз. Бу, янги электр сув иситкичдир. Цилиндрдаги шнурнинг бир учи токка улангач, краннинг оғзи очилади: водопроводдан илиқ ёки қайноқ сув туша бошлайди. Сув цилиндр ичига ўрнатилган электр элементи ёрдами билан иситилади.

Бу янги сув иситгич электр асбоби уй ишлари билан шуғулланувчи хотин-қизларимизнинг меҳнатини ғоят енгиллаштиради. Бундан ташқари, сув иситгич электр асбобидан душхонада ҳам фойдаланиш мумкин.

ПИЛЕСОС-ЧЎТКА

Ҳадемай электр асбоблари магазинларида ажойиб чўткалар сотила бошлайди. Унинг оддий чўткалардан афзаллиги шундаки, чангни супурмайди, балки сўриб олади. Бундай чўтка ёрдами билан фақат кийим-бош ва гиламларнигина эмас, шу билан бирга китоблар, радиоприёмникларнинг устини, енгил машиналарнинг кузовини тозалаш мумкин.

«Малютка» пилесос деб аталувчи бу чўтка жуда кам электр қуввати истеъмол қилади: бир соат ишлаганида тахминан бир тийинлик электр қуввати сарфлайди.

Завод қурилиши обком бюроси муҳокамасида

Оржоникидзе район территориясида Ялангоч ғовак ғишт ва блоклар заводи қурилаётир. Бу қурилиш учун давлат бир неча ўн миллион сўм капитал маблағ ва шунга яраша материал-техника ресурслари ажратган. Объектнинг тезроқ қуриб битказилиши жуда муҳим аҳамиятга эга бўлганлигига қарамай, қурилиш ишлари қониқарсиз бораётир.

Область партия комитети бюросининг шу йил 23 апрелда Ялангоч ғовак ғишт ва блоклар заводи қурилишини тезлатиш ҳақидаги қарори тўла бажарилмади. Шунинг учун область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган бюро мажлисида бу масала яна атрофлича муҳокама қилинди.

Бюро шуни кўрсатдики, қурилиш бошлиқлари ўзларига топширилган ишга масъулиятсизлик билан қараганликлари, ишлаб чиқаришни тўғри ташкил эта олмаганликлари туфайли белгиланган график йил бошидан бери бажарилмай қолаётир. Қурилиш майдончаларида меҳнат интизоми бўшаштириб юборилган, кўпинча иш бошланиши олдидан нарядлар берилмайди, қурилиш механизмларидан рационал фойдаланилмайди, бажарилган иш сифати устидан ҳеч ким контроллик олиб бормайди. Инженер-техник кадрларни ишдан бўшатиш ва ишга олиш ҳоллари жуда тез-тез учраб туради.

229-УНР бошлиғи Аҳмедов ва 160-қурилиш трестининг бошқарувчи Ягудаев ўртоқлар бу муҳим объект қурилишини тезлатишга совуқконлик билан қарамоқдалар. Қурилаётган завод раҳбарлари (директори ўртоқ Козлов, бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Сурабол) апрель ойида обком бюроси белгилаб берган конкрет тадбирларни амалга оширишга астойдил киришмадилар, ишдаги камчиликларни бартараф қилиш ўрнига, унинг тобора кўпайиб кетишига йўл қўймоқдалар.

Бюрода завод қурилишини тезлаштиришга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди.

И. ЗАБИРОВ.

Коммунизм учун жасур курашчилар

(26 Боку комиссарларининг қаҳрамонларча ҳалок бўлганига 40 йил тўлиши муносабати билан)

Бундан 40 йил муқаддам, 1918 йил 20 сентябрда инглиз интервентлари эсер меньшевикларнинг ёрдами билан социалистик революция ғалабаси учун фидокорона курашган 26 Боку комиссарларини ёвузларча отиб ўлдирдилар.

26 Боку комиссарларининг ваҳшиёна отиб ўлдирилиши фожиаси инглиз империализмининг Советлар Россиясига қарши уюштирган интервенцияси тарихида энг қабих ва разилона саҳифалардан биридир.

26 Боку комиссарларининг қаёти СССРда буюк пролетар революцияси тарихи билан чамбарчас боғланган-дир. Бокулик большевиклар Озарбайжоннинг пойтахти Боку шаҳрида пролетар диктатураси байроғини баланд кўтариб, Закавказье ва бутун Россияда социалистик революция тантанаси учун ҳормай-толмай курашдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан илҳомланган Боку пролетариати улуғ Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, Закавказьеда биринчи бўлиб Советлар байроғини тикди. 1917 йилнинг 31 октябрида Бокуда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги эълон қилинади.

Мусоватчилар, дошноқлар, шунингдек эсер ва меньшевик унсурлардан ташкил топган, Закавказье буржуа-помешчикларидан иборат бўлган контрреволюция кучлари Бокуда ва бутун Озарбайжонда Совет ҳокимиятига қарши қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Улар инглиз, герман ва турк империалистлари билан тил бириктириб, Боку пролетариатига қарши ҳужумга тайёрлана бошладилар. Боку Шарқда революция машъали бўлиб, нур сочиб турганлигидан саросимага тушган инглиз, герман, турк империалистлари ҳам қандай йўл билан бўлмасин, Боку ва Озарбайжонда Совет ҳокимиятини ағдариш, уни бўғиб ташлашга интилдилар.

Степан Шаумян, Иван Фиолетов, Прокофий Жапаридзе, Мешади Азизбеков ва Иван Фиолетовлардай Озарбайжон меҳнаткашларининг содиқ фарзандлари Боку пролетариати ва Озарбайжон меҳнаткаш деҳқонлар оммасини контрреволюцион кучларга кескин зарба бериш учун курашга тайёрладилар.

Интервентлар шаҳарни қўлга олишга қурбонлар етмаганидан сўнг, улар инглиз империалистларининг очиқдан-очиқ агенти бўлиб қолган Боку контрреволюционерлари — дошноқлар, эсерлар, меньшевиклар билан яқин алоқа ўрнатдилар. Ички контрреволюцион кучлар инглиз империалистларининг кўрсатмаси билан Боку муҳофазасини емирмоқчи ва Совет ҳокимиятини ичдан туриб қўпормоқчи бўладилар.

1918 йилнинг мартида Озарбайжон халқига хиёнат қилган мусоватчилар Бокуда контрреволюцион исён уюштирадилар. Боку пролетариатининг кескин зарба бериши натижасида контрреволюцион буржуа-помешчик мусоватчилар тўдаси тормор қилинади. Бокуда, сўнгра Озарбайжоннинг бошқа бир қанча районларида Совет ҳокимияти ғалаба қозонади.

Коммунистик партия Марказий Комитети ва шахсан В. И. Ленин Боку большевикларига ҳар тарафлама моддий ва маънавий ёрдам кўрсатадилар, уларнинг қаҳрамонона курашига кун сайин раҳбарлик қилиб турадилар.

1918 йилнинг 25 апрелида Боку Халқ Комиссарлари Совети тузилади. Халқ Комиссарлари Совети раиси қилиб ва ташқи ишлар бўйича комиссарликка Шаумян, губерна комиссарлигига Азизбеков, Халқ Хўжалиги Кенгаши раислигига Фиолетов ўртоқлар тайинланган эдилар. Тегишли комиссарликларда ишлаш учун ҳам Боку большевикларидан тайинланади.

Боку пролетариати сиёсий ҳокимиятни қўлга киритгач, Коммунистик партия Марказий Комитети кўрсатмалари асосида муҳим социал тадбирларни амалга оширди: нефть саноати, Каспий савдо флоти, банклар давлат ихтиёрига олинди; хонлик ва бекликлар ерлари мусодара қилиниб, уни деҳқонларга бўлиб бериш ҳақида декрет чиқарилди; корхоналарда 8 соатлик иш куни жорий этилди ва бошқа тадбирлар кўрилди. Бу муҳим тадбирларни амалга оширишдан мақсад пролетариат диктатурасини мустаҳкамлаш, буржуазияни енгиш ва янги социалистик хўжаликка асос солишдан иборат эди.

Боку пролетариати Коммунистик партия ва ўзининг содиқ комиссарлари раҳбарлигида Совет Ватани олдидаги муқаддас бурчини садоқат билан адо этиб, ғоят оғир шароитда нефть ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун астойдил курашди ва қисқа муддат ичида Бокудан Астраханга 80 миллион пуддан ортиқ нефть етказиб бера олди. Улар Озарбайжон уездларида Совет ҳокимиятини ўрнатиш, Боку пролетариатининг меҳнаткаш деҳқонлар билан иттифоқини мустаҳкамлаш ва Боку Халқ Комиссарлари Советининг ер ҳақидаги декретини амалга ошириш юзасидан катта иш олиб бордилар.

Март воқеасидан сўнг мусоватчилар тўдаси грузин меньшевиклари ва рус оқгвардиячи офицерлари ёрдамида революцион Бокуга ҳужум қилишга янгидан куч тўплай бошладилар. Контрреволюцион кучлар аввало герман-турк, сўнгра, инглиз интервентлари билан бирлашадилар ва уларнинг ёрдамига таяниб, Бокуда Совет ҳокимиятини йиқитиш пайига тушадилар.

1918 йилнинг ёз кезларида арман халқига хиёнат қилган дошноқлар Боку пролетариатига қарши курашга отланадилар. Шундай қилиб, Бакуда Совет ҳокимияти бир томондан инглиз ва иккинчи томондан герман-турк империализми зарбаси остида қолади.

Озарбайжонли миллатчи оғмачилар Боку Халқ Хўжалиги Кенгаши ишлаб чиққан тадбирларни амалга оширишга тўсқинлик қилиб, саботаж уюштирадилар. Натижада Боку оғир аҳволда қолади, озиқ-овқат етишмайди. Контрреволюцион кучлар инглиз интервентларини Бокуга юриш қилишга чақирадилар. Шаҳар пролетариатининг қаҳрамонона қаршилик кўрсатишига қарамай, 1918 йил июлнинг охирига келиб, Боку контрреволюцион кучлар ҳалқаси ичида қолади. Шундай оғир вазиятда Боку Халқ Комиссарлари Совети раҳбарлари Марказий Комитет кўрсатмаларини тўла-тўкис амалга оширишга муваффақ бўлолмайдилар, инглиз империализмининг эсер, меньшевик ва дошноқлардан иборат агентураси юритган контрреволюцион ташвиқотига ўз вақтида чек қўя олмадилар. Чет эл интервентлари кучларининг сиқуви остида ҳамда дошноқ ва мусоватчилар, эсер ҳамда меньшевикларнинг хиёнаткорона иш кўриши орқасида 1918 йилнинг 31 июлида Бокуда Совет ҳокимияти вақтинча маглубиятга учрайди.

1918 йилнинг 4 августида инглиз империалистлари контрреволюцион партиялар ёрдамида Бокуни босиб оладилар. Инглизларни Бокуга чақирган ва большевикларга хиёнат қилган бокули меньшевиклар ва эсерлар инглиз «меҳмонларидан» куч сифатида «фойдаланмоқчи» эдилар ва мамлакатда меньшевиклар билан эсерлар хўжайин бўлиб қолади, «меҳмонлар» эса, уй-ўйларига қайтиб кетади деб ўйлаган эдилар. Амалда бунинг акси бўлиб чиқди.

Ҳарбий дала судлари, ўлим жазоси, тан жазоси ва қамоқхона воситалари билан улар Боку пролетариатидан, уларнинг содиқ раҳбарларидан қонли ўч олишга киришадилар. Боку комиссарлари қўлга туширилиб, қамоқхонага ташланадилар. Бокуга босиб кирган инглиз қўшинлари у ерда кўп вақт туриб қололмайдилар, сентябрь ойи ўрталарида шаҳарни ташлаб чиқиб кетадилар. Улар ўрнини герман-турк босқинчилари ва мусоватчилар тўдаси эгаллайди. Шаҳарга турк қўшинлари отряди босиб киришидан бир неча соат олдин Боку комиссарлари ўртоқ Микоян бошлиқ бир группа большевикларнинг қатъий ҳаракати натижасида қамоқдан озод қилинадилар. Улар «Туркман» пароходида Бокудан денгиз орқали сузиб кетадилар. Шу пайт Боку комиссарлари инглиз империалистларининг кўрсатмаси бўйича Закаспий эсерлари томонидан қўлга туширилиб, Красноводск шаҳри қамоқхонасига ташланадилар. Инглиз-эсер ваҳшийлари 26 Боку комиссарларидан қонли ўч оладилар. Бу ишга бевосита инглиз қўмондонлигининг вакиллари қотил генерал Малессон ва капитан Ледженолда Тиг-Джонсонлар бошчилик қилади.

Красноводскдан 207 чақирим нарида, Оқча-Қуйма билан Перевал станциялари оралиғида, 118-телеграф столбаси ёнидаги 1918 йилнинг 20 сентябрь кечаси социалистик революция ғалабаси учун жонбозлик билан курашган Озарбайжон халқининг асл фарзандлари бўлмиш Шаумян, Фиолетов, Жапаридзе, Курганов, Азизбеков ва бошқа большевик ўртоқлар судсиз ва терговсиз ёвузларча инглиз империалистлари томонидан отиб ўлдириладилар.

Боку комиссарлари коммунизм иши учун жанговар постда туриб қурбон бўлдилар. Ҳеч қандай азоб ва қийноқлар уларнинг мустаҳкам иродасини синдира олмади. Улар ўз кўксини ёмғирдек ёғилиб турган ўққа тутиб, қўрқоқ қотилларга қарата: «Биз коммунизм учун қурбон бўлаяпмиз! Яшасин коммунизм» деб хитоб қилдилар.

26 Боку комиссарининг халқ бахт-саодати ва озодлиги йўлида тўккан қони беҳуда кетмади. Қирқ йил мобайнида Совет Озарбайжони таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати туфайли ўтмишда қолоқ мамлакат бўлган Озарбайжон гуллаб-яшнаётган, нефть ва пахтага бой бўлган социалистик республикага айланди, иттифоқимиздаги қардош республикаларнинг ақил ва дўстона оиласидан ўзига лойиқ ўрин олди.

Боку комиссарларининг ажойиб қаҳрамонликлари ёш авлодга коммунизм иши учун фидокорона курашда ажойиб мактабдир.

Боку комиссарларининг революцион қаҳрамонлиги совет халқининг қалбида абадий сақланиб қолади.

Л. ОХУНЖОНОВ.

26 Боку комиссарларининг инглиз интервентлари томонидан ваҳшийларча отиб ўлдирилиши. Рассом И. И. Бродский ишлаган расмдан репродукция.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

Турғун ОЛМОС.

(Уйғур шоири).

Партияга салом

Қабул қил партиям, бу саломимни,
Халқимнинг қалбидан йўлладим сенга.
Сенга атай олқиш ва каломимни
Чунки ёлқин меҳринг туташган менга.

* * *

Элу юрт, тоғу тош, ҳамма томонни,
Даҳшатли булутнинг ваҳми босганда;
Қапасга солинган шердек ҳайқириб,
Халқимнинг ғазаби қайнаб тошганда;

Минг бало — қулфатда, машаққат чекиб,
Мардона қадамлар ташлаб ўтардинг,
Қонларга бўялиб жонингни тикиб,
Озодлик байроғин баланд кўтардинг.

Миллионлар бошидан ғаму аламни
Абадий қайтмасга бутун кетказдинг.
Фақат ёлғиз ўзинг улуғ партиям,
Халқларга озодлик тонгин етказдинг.

* * *

Кўз очдик янгидан кулиб жаҳонга,
Сен берган ҳурликдан хурсанд дилимиз.
Эришиб бахтиёр янги замонга,
Сенга минг ташаккур айтар элимиз.

Янги ҳаёт учун, тўйлар бошладик,
Октябрь тонгидай, гулдек очилиб.
Маърифат йўлига қадам ташладик,
Йўлимизда ётар нурлар сочилиб.

А. РАҲМАТ таржимаси.

М. БАҲОР.

(Эрон шоири)

Шимол файзи

Теҳрон шимолидан, азамат Эльбурсдан
Ҳар кеча дилкушо, майин шамол келур.
Бу хушбўй шамолдан жонга роҳат етгай,
Кўнглимга ажиб бир ўзгача ҳол келур.

Хушбўй чечак, райҳон, гуллари атридан
Самум балосига маргу завол келур.
Хатто қоридан ҳам анинг шаҳримизга
Чашма-чашма тиниқ оби зилол келур.

Бу кеча кўп шодмон, чунки Шимол ёқдан
Энди ушбу дилкаш ел бемалол келур.
Енгил эсиб Шимол томондан Жанубга
Ҳол аҳли базмига олиб висол келур.

Ушбу жонбахш шамол билан бирга доим
Биз тарафга карам, фазлу камол келур.
Ҳеч кимга сир эмас, биз томонларга
Шимолдан ҳамиша файзу иқбол келур.

форсчадан А. Рустамов таржимаси.

„Халқлар дўстлиги“ журналининг 9-сони

Шу йил октябрь ойининг дастлабки кунларида Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг халқаро конференцияси бўлади. Маълумки, фақат Осиё ёзувчилари қатнашган шу хил биринчи конференция бундан икки йил муқаддам Ҳиндистон Республикасининг пойтахти Деҳлида бўлиб ўтган эди. Ўша конференцияда совет делегатларининг таклифига мувофиқ, навбатдаги халқаро учрашувни, Осиё ва Африка ёзувчиларининг учрашувини Совет Иттифоқида, Тошкентда ўтказишга қарор қилинган эди.

Совет ёзувчилари Осиё ва Африка мамлакатларидаги ўз қаламдошлари сингари, адибларнинг ана шу кизиқарли, ваколатли учрашувига актив тайёргарлик кўрмоқдалар. СССР совет ёзувчилари союзининг «Халқлар дўстлиги» адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий журналининг сентябрь, тўққизинчи сони Тошкентда бўладиган конференцияга бағишлаб чиқарилган.

«Халқлар дўстлиги» журналининг бу сонида Совет Шарқидаги деярлик ҳамма адабиёт ёзувчиларининг асарлари билан бирга халқ Хитойи, Ҳиндистон, Вьетнам, Ливан, Ироқ, Покистон, Бирлашган Араб Республикаси, Индонезия, Сенегал ёзувчиларининг ҳамда Осиё ва Африкадаги бошқа мамлакатлар ёзувчиларининг бир қанча повестлари, пьесалари, ҳикоялари, шеърлари, очерк ва мақолалари ҳам босилиб чиққан.

Тил, услубларнинг, традицион бадиий формаларнинг хилма-хил бўлганига қарамай, бу ёзувчилар ўз халқларининг тинчлик ва дўстликка бўлган интилишларини ифодалашда яқдилдирлар. Бу ерда хитой ёзувчиси Цао Миннинг «Баҳорга бағишланган кўшиғи» ва Вьетнам ёзувчиси Нгуен Конг Хоаннинг «Ғалла дарахти» ҳикоялари ҳам, Асқад Мухторнинг «Қорақалпоқ повести» ҳам, япон ёзувчиси Асихей Хинонинг япон тамошабинлари ўртасида зўр муваффақият қозонган «Ажратиб қўйилган Окинава» трагедияси ҳам, бошқа кўп асарлар ҳам бор.

Журналдаги шеърлар ҳам, повестлар ҳам, ҳикоялар ҳам, пьесалар ҳам қизиқиб ўқилади. Тожик ёзувчиси Жалол Укромийнинг Ўрта Осиё шаҳарлари ва қишлоқлари бўйлаб қилган сафари тўғрисидаги таассуротлари «Юрган дарё, ўтирган бўйро» сарлавҳаси билан босилган. Журналнинг шу қисмида Ҳиндистонга, Мисрга ва Осиёнинг бошқа районларига бориб келган совет ёзувчилари, шоирлари, жамоат арбобларининг ҳикоялари ҳам босилган.

«Санъат темалари», «Адабий мерос», «Қардош адабиётларнинг йилномасидан», «Танқид ва библиография» қисмларидаги материаллар ҳам жуда қизиқарлидир. «Журналлар саҳифаларида» сарлавҳали обзорда совет адабий-бадиий журналлари Осиё ва Африка ёзувчиларининг конференциясига қандай тайёргарлик кўраётганликлари ҳақида ёзилган.

Машҳур совет ёзувчиси, Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг раиси Николай Тихонов «Мен сизлар билан Тошкентда учрашишни истайман» сарлавҳали очеркида Осиё ва Африка ёзувчиларини Тошкентга келишга чин кўнгилдан таклиф қилади.

«Халқлар дўстлиги» журналида СССР совет ёзувчилари союзи правлениесининг биринчи секретари Алексей Сурковнинг «Озодлик ва тинчлик йўлида» сарлавҳали мақоласи босилган.

А. Сурков совет адабиётлари ленинча интернационал қардошлигини ифода этувчи «Халқлар дўстлиги» журналининг редакцион кенгаши номидан Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг бўладиган конференциясини қизғин табриклайди ҳамда унга ер юзининг қадимий қитъалари халқларининг қардошларча бирдамлигини кучайтириш йўлида, Шарқ ва Ғарб прогрессив адабиётлари ўртасида қардошларча ҳамкорлик бўлиши йўлидаги, халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва тинчлик, ер юзида бузилмас тинчлик йўлида самарали иш олиб боришини истайди. (ТАСС).

Ёш шоирлар йиғилиши

«Янгийўл» газета редакцияси райондаги ҳаваскор ёш шоирлардан кўплаб шеър, ҳикоя ва зарисовкалар олиб туради. Бошловчи шоирларнинг айрим шеърлари газета саҳифасида эълон қилинаётир.

Якинда редакцияга ҳаваскор шоирлар йиғилдилар. Улар орасида колхозчи, ўқувчи, студент, ўқитувчи ва ишчилар бор эди. Йиғилишда бошловчи шоирларнинг илк асарлари муҳокама қилинди.

Муҳокамада Қўчқор Собировнинг «Чўлда яшнади ҳаёт», Эргаш Ёндашевнинг «Бурдсиз лектор», Файзи Ғуломовнинг «Сигир билан бузоқ» шеърлари анчагина дуруст ёзилгани, уларда ўқувчиларнинг эсида қоладиган мисралар мавжудлиги қайд қилинди. Шунингдек муҳокама иштирокчилари Муҳаммад Қурбонов, Белги Мирзаахмедов, Ҳатам Султонов сингари ёшларнинг шеърларидаги камчиликларни айтиб, уларга ўз маслаҳатларини бердилар.

Йиғилиш охирида Янгийўл район ва шаҳаридаги ижодкорларнинг таклифига мувофиқ редакцияда адабиётчилар тўгараги ташкил этилди.

Ҳаваскорлар ҳар ойда бир марта йиғилишиб, унда янги ёзилган шеър ва ҳикояларни муҳокама қиладилар, адабиёт назариясига оид масалаларни ўрганадилар.

З. ҚУРТНЕЗИРОВ.

Ҳаваскорлар концерти

Верхне-волинск район маданият уйининг ҳаваскорлари район колхозларида бўлиб, пахтакорларга тез-тез концертлар қўйиб берадилар. Яқинда «Қизил Октябрь» колхози клубида кўрсатилган концерт айниқса қизиқарли бўлди. Ҳаваскор Тўлқин Солиев «Ватан меҳри», «Бир келиб кетсин» ашулаларини маҳорат билан ижро этди. Б. Турсуновнинг «Жонон», «Лазги» ўйинлари тамошабинлар диққатини ўзига тортди.

Ана шундай концерт Куйбишев номли колхозда ҳам кўрсатилди. Пахтакорлар ёш ҳаваскорлар концертларидан мамнун бўлмоқдалар.

Х. САГИЗОВ,
М. УММАТОВ.

„Гулхан“ журналининг янги сони

Республиканинг пионер ва ўқувчиларининг севимли журнали «Гулхан»нинг 9- сонида болалар учун кўпгина қизиқарли ҳикоя, очерк ва шеърлар босилган. Журнал Шуҳратнинг «Чин пионер ҳақида баллада» сарлавҳали шеъри билан очилади.

Бу сонда Тўлқиннинг «Сахий сентябрь» сарлавҳали шеъри, Асқад Мухторнинг «Ғаврош» ҳикояси, Ғайратийнинг «Фурқат», Ў. Умарбековнинг «Сиҳрли най» сарлавҳали ҳикоялари, тарих фанлари кандидати А. Хайировнинг «Бахт излаб» сарлавҳали тарихий очерки, Абдулла Исомиддиннинг «Соғиниш» сарлавҳали ҳажвий ҳикояси босилган.

Бундан ташқари Вали Мирзаевнинг «Зўравоннинг тақдири» сарлавҳали зарисовкаси, «Янги китоблар» рубрикаси остида Москвада бўладиган ўзбек санъати ва адабиёти декадасига атаб болалар учун, босиб чиқарилган китобларга аннотация, «Ярми ҳазил, ярми чин» рубрикаси остида қизиқарли карикатуралар, «Ҳар соҳадан бир шингил» ва бошқа материаллар босилган.

КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорлари амалда

Химик олимларимизнинг изланишлари

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, профессор Х. Усмонов ва илмий ходим И. Ҳакимов ўртоқлар пишиб етилмаган пахта толасининг таркибини текширмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг шу йил май ойида бўлиб ўтган Пленуми Ватанимиз химия саноатини янада ривожлантириш, синтетик моддалардан халқ хўжалиги учун зарур бўлган турли хил маҳсулот ишлаб чиқариш ишларини яхшилаш соҳасида олимларимиз олдига жуда муҳим ва шарафли вазифаларни қўйди. Марказий комитетнинг ана шу жанговар топшириғи ҳамда КПСС Марказий Комитетининг партиянинг навбатдан ташқари XXI съездини чақириш ҳақидаги сентябрь пленуми қарорларидан руҳланган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари ва пахта химияси ҳамда Химия институтларининг лаборантлари, илмий ходимлари, фан кандидатлари ва докторлари бу муҳим тарихий қарорни бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Академиянинг Ўсимлик моддалари ва пахта химияси институти ходимлари йирик молекулали полимерлар устида олиб бориладиган ишларни тубдан яхшилаш, илмий тадқиқотларни ҳаётга, саноат ва қишлоқ хўжалигига янада яқинлаштириш йўлида завқ-шавқ билан илмий-текшириш ишлари олиб бормоқдалар.

Синтетик моддаларнинг кимёвий таркиби бир неча ўн, ҳатто юз минг атомдан иборат, йирик молекулалардан, яъни полимерлардан ташкил топгандир. Шунинг учун ҳам академия президиуми мавжуд химия институтлари ва лабораториялари базасида янги Полимерлар институти ташкил этишни мўлжалламоқда. Ҳозир полимерлар химияси соҳасида академиянинг 50 дан ортиқ илмий ходими иш олиб бораётган бўлса, янги институт ташкил қилиниши билан халқ хўжалигида ғоят катта аҳамиятга эга бўлган полимерлар устидаги илмий тадқиқотларни 250 га яқин киши олиб боради. Ҳозир янги институт учун мос келадиган бино ахтариб топиш масаласи ҳал қилинмоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, профессор Ҳамдам Усмонов раҳбарлик қилаётган ўсимлик моддалари ва пахта химияси институти коллективи асосий эътиборни пахта толаси составини, пахта толасидан ишланадиган материалларнинг техник хусусиятларини яхшилаш, табиий полимерларни ўзгартириб, сунъий ва фойдали полимерлар олиш каби муҳим проблемаларни ҳал қилишга қаратган. Ана шу мақсадда циклон момиғи, гард, гўзапоя, каноп қолдиғи ва бошқалардан кенг фойдаланиш ҳамда спиртдан нейлон, пластмасса сингари ҳалқ хўжалигида кенг ишлатиладиган материаллар ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқишга киришилган. Шунингдек Бухоро газини полимерларга айлантириш йўлида ҳам муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Академик Обид Содиқов пахтанинг кимёвий таркибини ва пахта ўсимлиги составида целлюлозанинг пайдо бўлиш процессларини ўрганиш соҳасидаги илмий ишларга раҳбарлик қилмоқда. Бу соҳада илмий ходимлардан Поқудина, Исмоилов ва бошқа 20 га яқин киши ишламоқда. Химия фанлари кандидати Нуъмонхўжаева, илмий ходимлардан Иноятов, Ғафуров, Ойхўжаев сингари тадқиқотчилар пахта толасининг структурасини ва таркибини кимёвий усуллар билан яхшилаш йўлида текшириш ишлари олиб бормоқдалар. Улар пахта толасидан тўқиладиган материалларнинг пухта, узоқ вақт чиримайдиган, яхши бўяладиган каби хусусиятларга эга қилиш соҳасида муҳим илмий-текшириш ишлари билан шуғулланмоқдалар. Бу соҳада ҳозир дастлабки натижалар қўлга киритилди.

Шу кунларда институт лабораторияларида айниқса ишлар қизғин олиб борилмоқда. Мана, табиий полимерлар лабораторияси . Турли иодир асбоб ва ускуналар, мензурка ва колбалар билан тўлган бу хонада ҳаёт доимо қайнайди. Старший лаборантка С. Одилова эса целлюлоза ва полимер материалларининг структурасини ўрганиш билан банд. Профессор илмий ходим, академия аспиранти Исоқ Ҳакимов олдига келиб тўхтади. У, ёш тадқиқотчининг ишларини кузатди. Пахтанинг термодинамик (иссиқлик ютиш) хусусиятларини ўрганиш юзасидан олиб борилаётган тажрибаларни синчиклаб кузатди. Унга фойдали маслаҳатлар берди. Тажриба ишларининг қулай йўлларини ўргатди. И. Ҳакимов эса 15 кунлик, 20 кунлик кўсак ичидаги толаларни ажратиб олиб, алоҳида-алоҳида пробирка, ампуналарга жойлайди ёки спирт ичига солиб, махсус аппаратларда қиздиради. Ёш тадқиқотчи тажрибалар ўтказиб, хулосаларини махсус дафтарга ёзади.

Бошқа бир хонада эса ўндан ортиқ илмий ходим қизғин иш устида. Улардан Насрулло Иноятов сорбция деган аппаратда пахта толасидаги ғазларнинг ютилиш қонунлари ва хусусиятларини ўрганишдек новик ва мураккаб иш билан овора. Сорбция аппарати бир неча грамм пахта толаси юта олиши мумкин бўлган газнинг оғирлигини аниқ ўлчай олади. Диссертант Тўйчи Ғафуров эса кўп йиллардан бери қишлоқ хўжалик ўсимликлари чиқиндиларидан саноатда фойдаланиш йўлида иш олиб бормоқда. У, сунъий полимерлар олишга ёрдам берадиган тадқиқотлари натижасида чигит момиғини ажратиш ва бу момиқдан саноатда, жумладан, пластмасса ишлаб чиқаришда фойдаланиш йўлларини қидириб топди. Бу усул ишлаб чиқаришга жорий қилинса ҳар йили ташлаб юбориладиган 150 минг тоннага яқин момиқдан сунъий тола, левоглюкозан ва қимматли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш мумкин.

Академиянинг Химия институти ходимлари ҳам муҳим проблемаларни ҳал қилиш устида ишламоқдалар. Биз кўмир устида тадқиқотлар олиб борилаётган лабораторияда бўлдик. Бундаги илмий ходимлар химия фанлари кандидати Д. Забрамний раҳбарлигида Оҳангарон кўмиридан кокс олиш ва гумуз ўғити тайёрлаш соҳасида қимматли ишлар қилмоқдалар.

Органик катализлар лабораторияси химия институтининг энг муҳим участкаларидан биридир. Бу ерда Совет Иттифоқида жуда кам бўлган мураккаб ва новик установкалар бор. Лаборатория ходимлари коксохимия саноати қолдиғи-пиридендан қимматли полимер олишни мақсад қилиб қўйганлар. Шунингдек капрон саноатининг муҳим бир операциясини енгиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий таклиф ҳам катта аҳамиятга эга. Лаборатория илмий ходимлари тозаланмаган техник бензолдан циклогексан деган модда олиб, уни капрон тайёрлашда ишлатиладиган қимматбаҳо сульфат кислотаси ўрнида фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқдилар. Шунингдек, шулухани қайта ишлаб, спирт олиш вақтида чиқадиган ёрдамчи маҳсулот — фурфуролдан юқори сифатли лак ва алиф олиш йўли топилди. Бу ишларга химия фанлари кандидати доцент А. Султонов илмий раҳбарлик қилмоқда. Лаборатория ходимлари Чирчиқ электрохимия комбинати, Тошкент электрокабель, радиолампа заводларининг коллективлари билан ҳамкорлик қилмоқдалар. Жумладан, электрокабель заводида перхлорвинил смоласи билан қопланган кабель тайёрлашда синтетик смолани қўлланиш таклиф этилди. Бу усул амалга оширилиши натижасида кабелни туташ тайёрлаш имконияти туғилди ва йилига юз минг сўмлик маблағ тежаш имконияти туғилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг бошқа лабораторияларида ҳам партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган муҳим вазифаларни бажариш юзасидан самарали ишлар олиб борилмоқда.

М. ЯХЕЕВ.



Химия институтининг органик катализлар лабораториясида илмий ходим О. Сафоев ва старший лаборант Н. Исматов ўртоқлар юқори босим остида ишлайдиган установкани бошқармоқдалар.

В. Салов фотолари.

БИБЛИОГРАФИЯ

НЕПАЛ ҲАҚИДА КИТОБ

Ҳималай тоғларининг марказида, Хитой Халқ Республикаси билан Ҳиндистон ўртасида кўхна Непал короллиги жойлашган. Илгаридан бу давлатни «етти қасрнинг нарёғидаги мамлакат» деб атар эдилар. Ҳақиқатан ҳам бу узоқ тоғлиқ мамлакатига сайёҳлар кам борган, у ҳақдаги хабарлар жуда кам эди. Хитой ва Ҳинд олимлари Непални биринчи бўлиб текширганлар. Жумладан, VII асрда яшаган хитой сайёҳи Суень Цзян асарларида, машҳур ўзбек олими Бирунийнинг «Ҳиндистон тавсифи» китобида Непал ҳақида қимматли маълумотларни ўқиш мумкин.

Шу чоққача Непал ҳақида жуда кам асар босилиб чиққан эди. 1955 йилда босилиб чиққан Б. Н. Костинскийнинг «Непал» деган брошюраси бу давлат ҳақидаги ҳозирги замон материалларини қамраган ягона китоб ҳисобланар эди. Шу сабабдан Ўзбекистон ССР давлат нашриёти томонидан нашр этилган И. Б. Редькининг «Непал» деган китоби катта аҳамиятга эга. Редько китоби Непалнинг янги ва энг янги тарихи ҳақидаги очерклардан иборат бўлиб, мамлакатнинг табиати, аҳолиси ҳақида қисқача маълумотлар ҳам беради. Бу муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий-текшириш асари авторнинг турли манбаларни чуқур ўрганиши натижасида майдонга келган.

Китобда мамлакат ҳақида умумий маълумотлар берилади.

Непал қадимги, ўзига хос миллий маданиятга эга. Непал территориясида эрамиздан аввалги III асрга оид қадимги ёдгорликлар сақланмоқда. Непал эрамизнинг VII асрига келиб, Улуғ Туфань (Тибет) империясига вассал бўлиб қолади, XII асрдан XVII асргача мустақил давлат бўлиб, уни невар короллари идора қилади. Кейин Непал кўпгина майда князликларга бўлиниб кетади.

XVIII асрдан бошлаб Непалга Ҳинд ражапутлари кириб келадилар. Кичикроқ Горкха князлигини босиб олиб ҳукмронлик қиладилар. Китобда гуркх истилочиларининг тарихи изчил равишда баён қилинади. XVIII асрнинг иккинчи ярмида бутун Непал гуркх королининг олий ҳукмдорлигига бўйсунади.

Инглизлар ана шу вақтда Непални босиб олиш пайига тушадилар. Инглиз мустамлакачилари Непалга бир қатор ҳарбий экспедициялар уюштирадилар. Непал армиясининг Тибетни ҳимоя қилаётган Хитой қўшинлари томонидан мағлубиятга учрашидан фойдаланиб, гуркх ҳукмдорларини Ост-Индия компаниясл билан савдо шартномаси тузишга мажбур қиладилар. 1801 йилда «савдо ва иттифоқ ҳақида»ги битим кучга киргач, Англия Катмандуга ўз резидентини юбориш ҳуқуқини олади. Лекин Непал маъмурлари инглизларнинг қора ниятларини пайқаб, уларнинг таъсирлари ёйилишига имкон бермаслик қаршилик кўрсатадилар . 1837 йил ноябрга келиб, Ост-Индия компанияси Непалга қарши уруш эълон қилади. Бу уруш бир йил давом этади. Ост-Индия компанияси оқибатда бир неча районни ўз қўлига олади. Непалнинг ташқи сиёсати эса инглиз ҳукумати назоратида бўлади. Инглизлар 1837 йилда фитна уюштириб муҳтиёр (бош министр) Бхим Сенни йўқ қиладилар. Чунки у Англия сиёсатидан норози эди. Унинг ўрнига йирик феодал Жанг Баҳадур Ранана тайинлайдилар. Король номигина қолади, ҳамма ишни бош министр Рана ва унинг оила аъзолари олиб борадилар. Рана тўдаси 100 йилдан ортиқ давр мобайнида Непалга ҳукмронлик қилиб, инглиз мустамлакачилари сиёсатини олиб борди. Рана ҳукмронлиги Непал халқи бошига ҳисобсиз бахтсизликлар келтирди. Бош министрнинг ёлғиз ўзи мамлакат даромадининг ярмига эга бўлиб олар эди. Феодал зулми Непалнинг иқтисодий ва маданий тараққиётига тўсиқ бўлди. Бунинг натижасида Непал дунёнинг энг қолоқ мамлакатларидан бири бўлиб қолди. Шуниси характерлики, бу мамлакатда қулчилик 1924 йилдагина бекор қилинди.

Рана ҳукмронлиги Непалдаги илғор кишиларнинг кескин норозилигига учради. Айниқса иккинчи жаҳон урушидан сўнг озодлик учун кураш қизғин тус олди. Хитой ва Ҳиндистондаги воқеалар Непалдаги аҳволга катта таъсир кўрсатди. Китобда ана шу воқеалар муфассал баён қилинади.

Автор асрий иқтисодий қолоқликка, инглизлар томонидан қўлланилиб келаётган феодал системасининг қолдиқларига қарши тобора кучайиб бораётган халқ ҳаракатини кўрсатиб берган. Кейинги йилларда АҚШ мустамлакачилари ҳам Непалга зўр қизиқиш билан қарайдилар, Рана ҳукуматини қўллаб-қувватлайдилар. Лекин империалистларнинг қўллаб-қувватлаши ҳам, қаттиқ террор ҳам Рана ҳукуматини сақлаб қолишга қодир эмас эди.

1947 йилда Ҳиндистондаги непал студент ёшлари Непал Миллий конгресси партиясини тузадилар. Бу партия ўз олдига Рана диктатурасини ағдариб ташлашни мақсад қилиб қўяди. Мамлакат ичида ҳам кураш кучаяди. Намойишлар, иш ташлашлар бўлиб ўтади. Ишчилар синфи, деҳқонлар, армия ҳаракатга келади. 1950 йил 7 ноябрда король Трибхубана оиласи билан Ҳиндистонга қочади. 2 кундан сўнг Непалда Ранага қарши қуролли қўзғолон бошланади. Бу қўзғолонни Ҳиндистондан келган кўнгиллилар отрядлари қўллайдилар. Бир қанча музокаралардан сўнг келишув битими тузилади. Король мамлакатга қайтади ва Рана король мамлакатнинг бошлиғи деб тан олади. Бироқ Рана тўдаси бош министр ва бир қанча министрлик лавозимларини сақлаб қолади. Ҳукумат тузиш Непал конгресси раиси Матрик Прасад Копралага топширилади. Бу ҳукумат составида ҳам Рана шайкасининг икки вакили қолади. Копрала ҳукумати демократик жамоатчиликнинг орзуларини рўёбга чиқармайди. Мамлакатда вазият кескинлашади. Ана шу шароитда король «бевосита идора қилиш» режими ўрнатади. Бу режим 1956 йилда Танка Прасад Ачария ҳукумати тузилгач, бекор қилинади. Шундан сўнг мамлакатни иқтисодий қолоқликдан чиқариш учун дастлабки чоралар кўрилади. 1956—1960 йилларга мўлжалланган биринчи бешйиллик план қабул қилинади.

Кейинги йилларда Непал изоляция ҳолатидан чиқди. У тарихий Бандунг конференциясида иштирок қилди, БМТга аъзо бўлди. Ҳиндистон ва ХХР билан алоқасини мустаҳкамлади. Непал тарихида Совет Иттифоқи билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш катта воқеа бўлди. Бу икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар тобора кучаймоқда. СССРга, шу жумладан, Ўзбекистонга Непал ёшлари, журналистлари келдилар. Совет-Непал дўстлигининг мустаҳкамланишида Непал короли Махендранинг СССРга келиши катта роль ўйнайди.

И. Б. Редькининг дўстона Непал ҳақидаги бу китобини халқаро аҳвол ва тарих масалалари билан шуғулланувчи, қизиқувчи кенг китобхонлар зўр эътибор билан ўқиб чиқадилар. Бу асарни Непал давлати ҳақидаги дастлабки жиддий илмий монография сифатида табриклаш керак. Ҳималай мамлакатини ўрганишда авторга янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Ю. БАСИСТОВ.

КИТОБЛАР ВИСТАВКАСИ

Низомий номидаги Давлат педагогика институтида Тошкентда ўтказиладиган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан институтнинг адабиёт кафедрасида китоблар виставкаси ташкил қилинди.

Виставкада Хитой, Ҳиндистон ва Араб мамлакатлари ёзувчиларининг асарлари алоҳида-алоҳида стендларга қўйилган. Хитой ёзувчилари асарларига бағишланган стендда Го Мо Жо, Мао Дунь ва Жоу Шиннинг танланган асарларини, Ҳиндистонга бағишланган стендда ҳинд классиги Рабиндранат Тагор, Мулк Ражд Ананд, Кришан Чандр ва бошқаларнинг китобларини кўриш мумкин.

Ўрта Осиё ва Закавказьеда яшаган классик адиблар асарлари орасида Низомийнинг «Хисров ва Ширин», Фирдавсийнинг «Шоҳнома» ва Бобирнинг «Танланган асарлари» диққатга сазовордир.

Ўзбек совет ёзувчиларига ажратилган стендга Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Шароф Рашидов, Асқад Мухтор ва бошқа ёзувчиларнинг асарлари қўйилган.

О. САЙДАМИНОВ,
П. ШЕРИМБЕТОВ.

БМТ Бош Ассамблеясининг XIII сессиясида СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико нутқи

НЬЮ-ЙОРК, 1958 йил 18 сентябрь (ТАСС). СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XIII сессиясида нутқ сўзлади. СССР вакили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро тинчликни сақлашдан иборат асосий вазифасини бажаришни таъминлашда Бош Ассамблея сессиясининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Бу гап Бош Ассамблеянинг ҳозирги XIII сессиясига айниқса таллуқлидир, чунки ҳозирги халқаро вазият ғоят кескинлигича қолмоқда ва қўққисдан портлашлар хавфи бўлиши мумкин. Бу эса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти зиммасига алоҳида жавобгарлик юклайди.

А. А. Громико бундай деди: БМТда аъзо бўлган давлатлар Америка қўшинларининг Ливанга ва Англия қўшинларининг Иорданияга туширилганлиги натижасида Яқин Шарқ районида рўй берган хавфли аҳволни Бош Ассамблеянинг фавқулодда сессиясида қараб чиққанларига ҳали бир ой ҳам бўлгани йўқ. Ҳозирги кунда дунёда яна жиддий ва хавфли вазият рўй берди. Ана шу жиддий ва хавфли вазият бу сафар Узоқ Шарқда рўй берди. АҚШнинг ҳарбий денгиз ва ҳарбий ҳаво кучлари шошилинч суратда Узоқ Шарққа юборилмоқда ва АҚШ ҳукумати азалдан Хитойники бўлиб келган ерларга ўз панжасини босган агрессор сифатида бу ерларда кўп йиллардан буён ҳаракат қилмоқда.

Громико Совет Иттифоқининг «совуқ уруш»ни тугатиш, эўр бериб қуролланишни тўхтатиш, давлатлар ўртасида ишонч ва тинч ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган тадбирларига тўхталиб, қуйидагиларни эслатиб ўтди: Совет ҳукуматининг халқаро кескинликни юмшатиш мақсадида Шарқ ва Ғарб давлатлари ҳукуматлари бошлиқларининг кенгашини чақириш тўғрисидаги таклифи ярим йилдан кўпроқ вақтдан буён бутун дунёнинг диққат марказида турибди. Бу таклифнинг кишилар онгига сингиб кетганлигига сабаб шуки, рўй берган вазиятнинг хавфли эканлигини ҳамма сезиб турибди, баъзи давлатлар томонидан амалга оширилаётган сиёсат натижасида дунё қадамбақадам ҳарбий ҳалокат сари бораётганлигини ҳамма кўриб турибди. Кенгаш чақириш идеяси барча халқларнинг манфаатларига жавоб беради, чунки бу кенгаш инсониятнинг уруш томон бориш йўлини тўса олади.

Аммо, кенгашга тайёргарлик кўриш тўғрисида олиб борилган музокаралар давомида кенгаш чақирилишига ҳалақит бериш учун шундай таклифлар илгари сурилдики, бу таклифлар битимга келиш учун платформа бўлмай, балки бамаслаҳат иш кўришга тўсқинлик қилиш воситаси бўлиб хизмат қила олади. АҚШ ва Англия ҳукуматларининг ўзлари ҳам буни яхши биладилар. Шу сабабли, юксак доирада кенгаш ўтказишга кун сайин катта зарурат кўрилаётганига қарамай, бу кенгаш шу вақтгача чақирилмади.

«Совуқ уруш»ни тугатишга қаратилган ва кенг қўллаб-қувватланган бошқа таклифлар, чунончи: Европа давлатлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузиш ҳақидаги, НАТОда қатнашувчи давлатлар билан Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар ўртасида ҳужум қилишмаслик юзасидан пакт тузиш ҳақидаги, Европанинг марказида ядро ва ракета қуролидан холи бўлган зонани вужудга келтириш тўғрисидаги таклиф, қуролсизланиш ҳақидаги, шу жумладан атом қуролини тақиқлаш ва атом уруши хавфини йўқотиш тўғрисидаги таклифлар ҳам бор. АҚШдаги муайян доиралар томонидан, деди яна А. А. Громико, ўтказиб келинаётган агрессив ҳарбий блоклар тузиш сиёсати, «зўравонлик» сиёсати ҳозирги халқаро вазиятнинг кескинлашганлигига асосий сабабдир.

А. А. Громико зўр бериб қуролланишнинг ҳалокатли таъсирини ва зўр бериб қуролланиш инсониятга жуда катта зарар етказаётганлигини кўрсатди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бундай вазиятда тамошабин бўлиб қолмаслиги керак-лигини таъкидлади. Аммо, ғарб давлатларининг, хусусан АҚШнинг тутган позицияси орқасида БМТ давлатларнинг бутун кучини қуролсизланишни амалга оширишга сафарбар қила оладиган бўла олганича йўқ.

Совет ҳукумати аввалгидек ҳозирда ҳам қуролсизланиш тўғрисида самарали музокаралар олиб боришга тайёрдир ва шуни истайди.

Қуролсизланиш ҳақидаги музокаралар ҳуқуқий жиҳатдан тенг асосда олиб борилиши лозим. Совет делегацияси қуролсизланиш юзасидан шундай комиссия тузиш тарафдорики, бу комиссия аъзоларининг лоақал ярми АҚШ ва Англия томонидан тузилган ҳарбий блокларга кирмаган давлатлардан, яъни социалистик ва бетараф мамлакатлар орасидан сайланиши керак.

Совет ҳукумати қуролсизланиш проблемасини кескин суратда ҳал этиш, яъни қуролли кучларни ва қурол-яроғларни анча миқдорда камайтириш, атом ва водород қуролини тақиқлаш, бу қуролни ишлаб чиқаришни тўхатиш ва давлатларнинг қурол-яроғлари қаторидан чиқариб ташлаш тарафдори бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Аммо, ана шундай кенг миқёсда бир битимга келиш йўлидаги ҳаракатларимиз ўзларини НАТОнинг сиёсати билан боғлаган АҚШ, Англия ва бошқа мамлакатлар ҳукуматларининг доим писанда ва эътирозларига дуч келди. Бундай шароитда мушкул аҳволдан қутулишнинг бирдан-бир амалий йўли шуки, бу проблемани аста-секин, модлама-модла ҳал этиш, даставвал, ҳал этиш пайти келиб қолган энг актуал масалаларни ажратиб олиш керак.

Совет делегацияси қуролсизланиш соҳасидаги тадбирлар ҳақида Совет ҳукуматининг меморандумини Бош Ассамблеянинг шу сессияси муҳокамасига тақдим этади. Бу меморандумда қуролли кучларни ва оддий қурол-яроғларни қисқартиш ҳақида ҳам, ядро қуроли тўғрисида ҳам конкрет таклифларни ўз ичига олган программа баён қилинган. Қуролсизланиш соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш устидан халқаро миқёсда тегишли контроль ўрнатиш ҳам кўзда тутилади.

Совет ҳукумати Бош Ассамблеянинг шу сессиясида қуролсизланиш масалаларини қараб чиққанда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кечиктириб бўлмайдиган қўйидаги масалаларга эътиборни жалб этиши лозим деб ҳисоблайди:

а) атом ва водород қуроли синовларини дарҳол ва ҳамма жойда тўхтатиш тўғрисида;

б) космик фазодан ҳарбий мақсадларда фойдаланишни тақиқлаш ҳақида, ўзгалар территорияларидаги чет эл ҳарбий базаларини тугатиш тўғрисида ва космик фазони ўрганиш соҳасида халқаро ҳамкорлик тўғрисида;

в) давлатларнинг ҳарбий бюджетларини қисқартиш тўғрисида.

Ана шу масалаларнинг ҳал этилиши қуролсизланиш ишини жиддий суратда олға силжитган бўлур эди ва халқаро кескинликни юмшатиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлур эди. Совет делегацияси бу масалаларни Бош Ассамблея кун тартибининг айрим мустақил моддалари сифатида қараб чиқишни таклиф этади.

СССР вакили сўзини давом эттириб бундай деди: АҚШ ва Англиянинг Яқин Шарқдаги агрессияси муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдида масъулиятли вазифалар турибди. БМТ Бош Ассамблеясининг фавқулодда махсус сессияси Америка қўшинларини Ливандан ва Англия қўшинларини Иорданиядан тезликда олиб чиқиб кетиш тўғрисида бир овоздан карор қабул қилган эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ана шу қарорини бажариш юзасидан қандай ишлар қилинганлигини кўздан кечириш пайти келди. Ливан ва Иорданияда чет эл оккупацияси давом этаётган экан, Америка ва Англия қўшинларини олиб чиқиш муддати хали ҳам белгиланмаган экан, СССР АҚШ ва Англиянинг Ливан ва Иорданиядаги ҳаракатлари тўғрисидаги масалани ва уларнинг қўшинларини олиб чиқиб кетиш тўғрисида БМТ чиқарган резолюцияни бажариш кечиктирилаётганлиги ҳақидаги масалани қараб чиқишни сессиядан талаб қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

СССР вакили Жазоирда қонли урушни тўхтатишга даъват этди ва арабларнинг икки кичик давлати — Яман ва Уммон халқини ҳимоя қилиб чикди. Англиянинг бомбардимончи самолётлари бир неча йилдан буён ана шу мамлакатларга ваҳшиёна ҳужум қилмоқда, инглиз қўшинлари бу мамлакатларга ҳужум қилмоқдалар.

АҚШ, деди яна СССР вакили, Узоқ Шарқда ўт билан хавфли ўйнашишга хотима бериши лозим.

Узоқ Шарқда хавфли аҳвол вужудга келганлигига асосий сабаб шуки, АҚШ бундан бир неча йил муқаддам Хитойга нисбатан агрессия қилди ва азалдан Хитойники бўлиб келган Тайвань оролини ва Пэнхуледао ороллари босиб олди ва бу ороллари Хитой Халқ Республикасига ҳамда бошқа тинчликсевар давлатларга қарши ўзининг ҳарбий базасига айлантирди.

Ҳозирги вақтда АҚШ ҳукумати агрессия доирасини қитъадаги Хитой қиргоқларидан бир неча километр масофада бўлган ва АҚШнинг чанкайшичи агентлари томонидан ишғол қилинган қиргоқ ороллари томон чўзиб, агрессияни кенгайтириш хавфини тугдирмоқда.

АҚШнинг бу райондаги ҳарбий тайёргарлиги билан бир қаторда Америка Қўшма Штатларидаги раҳбар сиёсий ва ҳарбий арбоблар Хитой Халқ Республикаси шаънига тўхмат ва дўқ қилиш кампаниясини авж олдирмоқдалар. Ана шу арбоблар шу тахлитда ҳаракат қилиш билан улуғ Хитой халқининг ўзининг ажралмас территорияси бўлган Тайванни озод қилиш йўлидаги қатъий ҳаракатини янада оширажаги тўғрисида ўзларига ҳисоб бермаётган бўлсалар керак. Тундан кейин кундуз бошланажаги муқаррар бўлгани каби Хитой халқининг ҳам шундай қилиши муқаррардир. АҚШ ҳукумати, деб сўзини давом эттирди совет вакили, халқ Хитойига нисбатан ўз сиёсатида дўқ қилиш ва авантюралар йўлига ўтиб, хавфли иш кўрмоқда. Хитойга қарши ҳарбий иғволарнинг илҳомчилари Хитой қудратли давлат эканлигини, Хитой халқи ўз ҳукумати теварагига маҳкам жипслашганлигини ва аҳмабий босқинчиларга зарба бериш соҳасида кўп тажриба тўплаганлигини унутиб қўйган бўлсалар керак.

Хитой ёлғиз эмаслигини, Хитой Халқ Республикасининг содиқ иттифоқчилари бор эканлигини, агрессорга қарши биргаликда зарба бериш учун бу иттифоқчилар Хитойга ҳар пайтда ҳам ёрдам беришга тайёр эканлигини ва бу иттифоқчилар ўртасида Совет Иттифоқи ҳам борлигини эсдан чиқармаслик керак эди. СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевнинг шу йил 7 сентябрь АҚШ президенти Эйзенхауэрга юборган мактубида ёзилган шу сўзларни эслатиб ўтмоқчи бўламан.

Мактубда бундай дейилади:

«...масалага тўла равшанлик киритайлик, чунки очигини айтмаслик ва англашилмовчилик бундай ишларда жуда хавфлидир.

Мамлакатимизнинг улуғ дўсти, иттифоқчиси ва қўшниси бўлган Хитой Халқ Республикасига ҳужум қилиш Совет Иттифоқига ҳам ҳужум қилиш демакдир. Ўз бурчига содиқ бўлган бизнинг мамлакатимиз ҳар иккала давлатнинг хавфсизлигини, Узоқ Шарқда тинчлик манфаатларини, бутун дунёда тинчлик манфаатларини халқ Хитойи билан биргаликда қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқ учун бутун чорани кўради».

АҚШнинг Тайвань бўғози районидаги ҳаракатлари, шунингдек унинг халқ Хитойига нисбатан тутган бутун сиёсати бутун дунёда норозилик тугдирмоқда. Американинг қуролли кучлари Хитойнинг Тайвань оролидан ва Тайвань бўғозидан бутунлай ва тамомила олиб чиқиб кетилмаса, АҚШ Хитойнинг ишларига аралашишни тўхтатмаса, Узоқ Шарқда мустаҳкам тинчлик бўлиши мумкин эмас.

СССР вакили АҚШнинг ҳарбий намойишлар ўтказиш, куч ишлатиш билан дўқ қилиш методларини қоралади. АҚШ ҳукуматига, деди А. А. Громико, халқаро жандарм ролини ўз зиммасига олиш, бошқа мамлакатларнинг ишларига аралашиш ҳуқуқини ким берди?

Совет ҳукуматининг фикрича, Бош Ассамблея давлатларнинг дўқ қилиш, чўчитиш, агрессия тайёрлаш мақсадида ўз ҳарбий денгиз кучлари ва ҳарбий ҳаво кучларини бир жойдан иккинчи жойга кўчиришларини тақиқлаш ва ана шу кучларнинг ўз миллий чегаралари доирасида сақлаш ҳақида қарор қабул қилмоги керак.

А. А. Громико Бирлашган Миллатлар Ташкилотида шу вақттача Хитой вакилларининг йўқлиги каби ярамас аҳволнинг давом этаётганлиги АҚШнинг Хитой Халқ Республикасига нисбатан тутган сиёсатини акс эттиради, деди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз маҳкамасида тартиб ўрнатиши ва Хитой Халқ Республикаси вакилларига уларнинг БМТдаги ўрнини бўшатиб бериши лозим. СССР делегацияси шундай қилишга даъват этади.

СССР вакили сўзини давом эттириб бундай деди: Кейинги ойларда Яқин Шарқда ва Тайвань бўғози районида бўлган воқеалар ҳарбий блоклар тузиш сиёсатининг чин моҳиятини кўрсатиб берди. АҚШ НАТО, Бағдод пакти ва СЕАТО каби ҳарбий блоклар системасига таяниб, ўз қўшинларини ўзи агрессия қилган районларга юбориш учун Ғарбий Германия, Италия, Туркия, Филиппиннинг ва ана шу блокларда қатнашувчи бошқа мамлакатлар ҳукуматларининг индамай йўл қўйиб бериши ва қўллаб-қувватлаши туфайли, шу мамлакатлардаги портлар, аэродромлардан ва энг муҳим алоқа йўлларидан фойдалана олди.

Совет ҳукумати дунёни давлатларнинг ҳарбий гуруҳларига бўлиб юборишнинг доим душмани бўлиб келди ва бундан кейин ҳам бунинг душмани бўлиб қолади, чунки шундай ҳарбий гуруҳларнинг бўлиши давлатлар ўртасидаги муносабатларни бузади, улар ўртасида ҳарбий тўқниш хавфини тугдиради. Совет ҳукумати Варшава шартномасида қатнашувчи бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари билан биргаликда ана шу икки гуруҳ ўртасида ҳужум қилишмаслик тўғрисида пакт тузилишини истаётганлигини билдирди.

Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Европа давлатларининг, шунингдек АҚШнинг шартнома тузиши катта фойда келтира олган бўлур эди.

Инсоният олдида, деди СССР вакили, бундан кейинги тараққиётнинг фақат икки йўли бор.

Бу йўлларнинг бири — зиддият ва адоватни янада авж олдириш, давлатларнинг асосий гуруҳлари ўртасида ҳозирги вақтда мавжуд бўлган ишончсизликни кучайтириш йўлидир. «Совуқ уруш» тарғиботчилари ва «зўравонлик» сиёсатининг тарғиботчилари ана шу йўлга тортмоқдалар.

Тараққиётнинг иккинчи йўли — давлатларнинг бошқа давлатлар билан ўз муносабатларида куч қўлланишдан қатъий воз кечиш, уруш пропагандасини тақиқлаш йўли, ҳар бир халқ, ҳар бир давлатнинг ўзи истаганича яшаш ва ўзлари ҳоҳлаган тартибни ўрнатиш ҳуқуқини зўр бериб ҳурмат қилиш йўли, зўр бериб қуролланиш ўрнига давлатлар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантириш ва баъзи мамлакатларни бошқа мамлакатларнинг контролига бўйсундиришга уринмаслик йўлидир. Бу — барча давлатлар ўртасида тинч-тотув яшаш йўлидир.

Давлатларнинг, улардаги ижтимоий тузумнинг қандай бўлишидан қатъий назар, тинч ва осойишта яшаши учун шарт-шароит вужудга келтириш имконияти Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муносабатларни ўрнатилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Совет ҳукумати дўстлик тўғрисида шартнома тузишни АҚШ ҳукуматига таклиф этганлиги сизларга маълум. Бу шартнома ҳар иккала мамлакат ўртасида кўп йилдар мобайнида ҳамкорлик қилиш учун мустаҳкам асос вужудга келтириши мумкин эди. Совет-Америка муносабатларини яхшилаш СССР, совет халқи манфаатлари каби АҚШнинг, Америка халқининг ҳам манфаатларига жавоб берган бўлур эди.

Давлатлар ўртасида эркин иқтисодий алоқа бўлмаса, халқаро савдо-сотиқ кенг ривожлантирилмаса, давлатларнинг ўз бойликларини ва табиий ресурсларини тасарруф қилишдан иборат суверен ҳуқуқлари зўр бериб ҳурмат қилинмаса давлатларнинг тинч-тотув яшаши мумкин эмас. Ажал ва вайронгарчилик қуролларини ишлаб чиқариш соҳасида мусобақа қилинишига, урушнинг мадҳ қилинишига инсоният муҳтож эмас. Турли ижтимоий системалардаги давлатлар ўртасидаги мусобақа халқнинг фаровонлигини ошириш, маънавий бойликларни кўпайтириш соҳасидаги мусобақа бўлиб қолсин. Бундай мусобақа халқларни бир-биридан ажратиб юбормай, балки бир-бири билан яқинлаштиради ва уларнинг куч-ғайратини тинчлик ҳамда тараққиёт ишига ҳизмат қилдиради.

Варшавада Хитой-Америка музокаралари

ВАРШАВА, 18 сентябрь. (ТАСС). Бугун Варшавада Хитой Халқ Республикасининг Польшадаги элчиси Вам Бин-нань билан АҚШ нинг Польшадаги элчиси Д. Бим ўртасида навбатдаги учрашув бўлди.

Расмий равишда эълон қилинганича, Хитой билан Америка ўртасиза элчилар даражасидаги музокаралар 21 сентябрь эрта билан соат 10 да давом эттирилади.

ХИТОЙ ҲУКУМАТИНИНГ ОЛТИНЧИ ОГОҲЛАНТИРИШИ

ПЕКИН, 18 сентябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг хабар беришича, 18 сентябрда Американинг олтита ҳарбий корабли Фуцзянь вилояти районида Хитойнинг территориал сувларига олти марта бостириб кирган.

Агентлик ана шундай бостириб кириш ҳодисаларини кўрсатиб ўтиб, Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг вакили қуйидагиларни билдиришга вакил қилинганлигини хабар қилади: Варшавадаги Хитой ва АҚШ элчиларининг музокаралари яна бошлангандан кейин Америка ҳарбий кораблларининг иғвогарлик мажлиси 15,16 ва 17 сентябрда Цзиньминьдао ва Сяминь районида Хитойнинг территориал сувларига яқин ерда турдилар. Бугун, 18 сентябрда Америка ҳарбий кораблларининг аввалдагига қараганда кўпроқ кучлар билан Фуцзянь вилояти районида Хитойнинг территориал сувларига олти марта бостириб кирдилар. Бу ҳол Хитой ҳукуматининг қайта-қайта қилган огоҳлантиришларини ҳамда Хитой ва АҚШ элчиларининг Варшавада бўлаётган музокараларини эътиборсиз қолдираётган Америка Қўшма Штатларининг жиддий ҳарбий иғвогарлигидир. Шу муносабат билан Хитой ҳукумати олтинчи марта жиддий равишда огоҳлантиради.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИНИНГ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ҚАРШИ ЯНГИ ИҒВОГАРЛИГИ

НЬЮ-ЙОРК, 18 сентябрь. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги мухбирининг Тайбэйдан хабар беришича, Тайвандаги АҚШ денгизпиёда қўшинлари қўмондонлигининг вакили майор Мартин Хитой Халқ Республикасининг Куэмой районидаги (Цзиньминьдао) чанкайшичи транспорт самолетларига ҳужум қиладиган ҳар қандай самолетларига атака қилиш ҳақида Америка қирувчи самолетларига буйруқ берилгайлигини айтган. Мартин «Америка самолетлари Хитой Халқ Республикасининг самолетларини қитъадаги базаларга қадар қувиб боришлари ва бу базаларни бомбардировка қилишлари мумкин» деган.

СЕАТО ҲАРБИЙ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ТАЙВАНЬ БЎҒОЗИДАГИ АҲВОЛ ТЎҒРИСИДА КЕНГАШМОҚДАЛАР

БАНГКОК, 18 сентябрь. (ТАСС). Кеча бу ерда СЕАТО ҳарбий маслаҳатчиларининг кенгаши тамом бўлди. Кенгашда бу агрессив блокда қатнашувчи мамлакатларнинг 92 олий офицери қатнашди. «Бангкок уорлд» газетасининг хабар беришича, ҳарбий маслаҳатчилар кенгаши «Тайвань бўғозидаги кризис тўғрисидаги масалага энг жиддий эътибор берган».

СУДАН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

СССР Олий Советининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Судан республикасининг парламент делегацияси 19 сентябрда Ўзбекистон пойтахтига келди. Делегация составида вакиллар палатасининг раиси Муҳаммад Солиҳ Шингати жаноблари (делегация раҳбари), сенат раиси Муҳаммад Амин Алсайид жаноблари ҳамда Судан парламентидаги энг эътиборли партияларнинг вакиллари бўлган депутатлар группаси бор.

Айни вақтда Тошкентга Совет Иттифоқи бўйлаб қиладиган сафарида делегацияга ҳамроҳ бўлиб СССР Олий Совети депутати И. П. Бойцов, СССРнинг Судандаги элчиси Л. Ф. Теплов, СССР Олий Совети Президиумининг ва Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари келдилар.

Судан республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Муҳаммад Х. Эль-Нил жаноблари ҳам келди.

Судан Республикаси, СССР ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропромида меҳмонларни республика Ташқи ишлар министри Ғ. С. Султонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Иҳомова, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари И. Эгамбердиев, М. М. Мусахонов, Х. Р. Мусахонова, И. А. Раҳимов, С. С. Черник, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг, республика Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари, жамоатчилик ва матбуот вакиллари кутиб олдилар.

Меҳмонларга гулдасталар тақдим этилди.

Судан парламент аъзоларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика меҳнаткашлари номидан Ғ. С. Султонов самимий табриклади.

Делегация бошлиғи Муҳаммад Солиҳ Шингати жавоб нутқи сўзлади. (ЎзТАГ).

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ТИНЧЛИК ИШИГА ҚЎШАЁТГАН ҲИССАСИ

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг раиси Н. С. ТИХОНОВ билан суҳбат

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети совет тинчлик тарафдорларининг, коллективларнинг, муассасаларнинг жуда кўп истакларини эътиборга олиб, Комитет ҳузурида ихтиёрий «Тинчлик фонди»ни ташкил этган эди.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети мамнуният билан қайд қиладики, бу қарорни совет жамоатчилиги қизғин қўллаб-қувватлади. Ўтган уч ой мобайнида «Тинчлик фонди»га Москва, Ленинград, Сталинград, Украина, Литва, Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Грузия, Латвия, Краснодар, Хабаровск, Приморье ўлкалари, Кабарда-Балкар, Догистон ва Карелия АССР, Свердловск, Магадан, Горький, Владимир, Новгород, Смоленск, Рязань, Мурманск, Курган, Белгород, Курск ва бошқа областлардаги кўп совет кишиларидан ҳамда корхона ва муассаса коллективларидан, шунингдек турли диний бирлашмалардан ихтиёрий взнослар топширилди.

Совет кишилари «Тинчлик фонди»га ўзларининг ихтиёрий взносларини топшириш билан бирга атом уруши хавфининг олдини олиш ҳамда барча халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш учун курашишдан иборат адолатли ишни ҳамма воситалар билан қўллаб-қувватлашга қатъий бел боғлаганликларини айтмоқдалар.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети «Тинчлик фонди»га ўз ихтиёрий взносларини топширган ҳамма коллективларга ва айрим гражданларга қизғин ташаккур изҳор қилади.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети тушаётган саволлар муносабати билан шуни маълум қиладики, СССР Давлат банкида ва унинг жойлардаги ҳамма бўлимларида «Тинчлик фонди» лицевой счётлари бор. Меҳнаткашлар ёки айрим коллективлар ўзларининг ихтиёрий взносларини ана шу счётларга топширишлари мумкин.

СССР ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИДА

СССР Журналистлар союзи Ташкилот бюросининг мажлиси бўлди. Челябинск область бўлими ташкилот бюросининг раиси ўртоқ В. Г. Сафонов журналистларнинг ишчи ва қишлоқ мухбирлари ҳаракатини ривожлантириш соҳасидаги иши ҳақида сўзлаб берди. Бу ташкилотда ишчи мухбирлари мактабларининг қизиқарли иш тажрибаси тўпланган, ишчи ва қишлоқ мухбирларининг рейдлари систематик суратда ўтказилмоқда. Журналистларнинг яқинда ташкил этилган бир неча кабинетида ишчи ва қишлоқ мухбирлари учун консультациялар ўтказиш йўлга қўйилган, журналистларнинг ишчи ва қишлоқ мухбирлари билан учрашувлари уюштирилмоқда.

Шу мажлисда маҳаллий ташкилотларга раҳбарлик қилиш тўғрисида Белоруссия ССР журналистлар союзи ташкилот бюроси раиси ўртоқ Н. Я. Филимоновнинг доклади тинглаб олинди.

Ташкилот бюроси совет журналистларининг биринчи Бутуниттифоқ съездита тайёргарлик планини қараб чиқди ва тасдиқлади.

Карелия, Удмурдистон, Коми АССР, Адигей автоном области, Олтой, Ставрополь ўлкалари, Воронеж, Орел, Новгород, Свердловск, Иваново, Иркутск, Саратов ва Горький областларининг совет матбуоти ходимларидан катта бир группаси журналистлар союзи аъзолигига қабул қилинди.

МУСОБАҚА ЖИДДИЙ КУРАШ ВАЗИЯТИДА ЎТДИ

18 сентябрь куни Тошкентдаги Марказий «Пахтакор» стадионида Корея Халқ-Демократик Республикаси ва Тошкент касаба союзларининг терма командалари ўртасида футбол бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.

Мусобақа дастлабки минутларданоқ кескин тус олди. Меҳмонлар тез ҳамла чаққон ўйнаб, ҳисобни олдин очишга ҳаракат қилдилар ва бунга муваффақ бўлдилар. Шундан сўнг ўйин янада кескинлашди. Орадан бироз вақт ўтгач тошкентликлар аввал ҳисобни баравараштирдилар ва сўнг уни 2:1 га етказдилар. Лекин улар ўйиннинг биринчи ярми охирида ўз ҳарвозаларига яна бир тўп киритилишига йўл қўйдилар.

Дам олишдан кейин Тошкент терма командасининг ўйинчилари қарши томон дарвозасига яна икки марта тўп киритдилар. Кореяликлар эса бунга жавобан фақат бир марта тўп кирита олдилар.

Шундай қилиб, жиддий кураш ва дўстлик вазиятида ўтган ўйин тошкентликлар фойдасига 4:3 ҳисоби билан якунланди.

МАМАН ОТА ҚЎЛДОШЕВ

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маман ота Қўлдошев 73 ёшида вафот этди.

Маман ота Қўлдошев 1885 йилда Наманган область, Задарё районидаги Гултепа қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. У Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар бойлар эшигида чоракор бўлиб ишлади. Октябрь революциясидан сўнг Маман ота Қўлдошев бошқа чоракор деҳқонлар сингари озод ва бахтиёр ҳаётга эришди, ўз қобилиятини тўла кўрсата олди.

1926 йилда Маман ота оиласи билан Тошкент область, Оққўрғон районига кўчиб келади. Тез орада у ўзининг уста пахтакорлиги билан танилади ва район меҳнаткашларининг зўр ҳурматини қозонади. 1946 йилда эса Тельман номли колхозда ҳар гектар ердан 73 центнердан пахта етиштирди. 1956 йилда Маман ота Қўлдошев 55 гектар ерининг ҳар гектаридан 45 центнердан, 1957 йилда эса 72 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 39 центнердан пахта ҳосили етиштирди.

Маман ота Қўлдошев жуда кўп ёш пахтакорларни тарбиялади. У фақат уста пахтакоргина эмас, актив жамоатчи ва район советининг депутати ҳам эди.

Совет ҳукумати бу машҳур пахтакорнинг фидокорона меҳнатини мунасиб тақдирлади. У 1956 йилда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга муяссар бўлди. Бундан ташқари Маман ота Қўлдошев Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат белгиси» орденлари ва «Шавкатли меҳнат учун» медали билан мукофотланган. У Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида қатнашиб катта Кумуш медаль билан тақдирланди.

1957 йилда Маман ота Қўлдошев Москвада Бутуниттифоқ пахтакордар кенгашида қатнашди.

Маман ота Қўлдошевнинг ёркин хотираси юрагимизда абадий сақланади.

Бир группа ўртоқлари.

Телевизор Экранида

20 СЕНТЯБРДА

19.30. Ўзбек халқ куйларидан концерт.

20.00 «Театрлар — декадага» деган циклда эшиттириш: Горький номидаги театрнинг «Тайфун» спектакли. Сўнгги ахборот.

Редактор ўринбосари М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/IX да **Ганг дарёсининг қизи**, 21/IX да **Оғриқ тишлар**.

«ИСКРА» КИНОТЕАТРИДА
20 сентябрдан
«БЕЛОРУСЬФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ ИШЛАГАН ФИЛЬМЛАР
кинофестивали
ЎТКАЗИЛАДИ.
Фестиваль кунларида кўрингиз:
20/IX да — янги бадиий фильм **Қизил яроқлар.**
21/IX да — **Қўшниларимиз.**
22/IX да — **Полесье қиссаси.**
23/IX да — **Миколка-паровоз.**
24/IX да — **Бахтнинг қадрига етиш керак.**
25/IX да — **Константин Заслонов.**
Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/IX да **Дилором**, 21/IX да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Улуғбек.**

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Қизил яроқлар.**

«ИСКРА» (ёзги) — кеч соат 8 да кенг экранли фильм **Севги мазуркаси**, кеч 9-20 минут ва 10-45 минутда **Тореадор.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Олтин симфония.**

«САЛЮТ» — **Машинист.**

«ХИВА» — **Олтин симфония.**

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Оққўрғон районидаги Тельман номли колхознинг бригада бошлиғи, донгдор пахтакор

Маман ота ҚЎЛДОШЕВнинг

оғир касалликдан сўнг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва унинг оиласига таъзия изҳор қилади.

БМТ Бош Ассамблеясининг XIII сессиясида қатнашувчи СССР делегацияси матбуот бўлимининг баёноти

НЬЮ-ЙОРК, 18 сентябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XIII сессиясида қатнашувчи СССР делегациясининг матбуот бўлими қуйидаги баёнотни берди:

АҚШдаги баъзи газеталар СССР, АҚШ, Англия атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш масаласи юзасидан музокаралар олиб бориш тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келган пайтда, совет делегацияси бу масалани Бош Ассамблеянинг XIII сессиясида ҳам алоҳида муҳокама қилишни таклиф этганлиги ҳақида «ҳайратда қолганликлари»ни билдирадилар.

Ана шундай очиқдан-очиқ сунъий ҳайратда қолиш муносабати билан шуни қайд қилиб ўтиш керакки, АҚШ ва Англиянинг СССРдан ибрат олиб, атом ва ядро қуроли синовларини тўхтатишга тайёр эканлигини кўрсатадиган ҳеч қандай белги бўлмаганлиги сабабли, совет таклифи илгари сурилди. Кўп далиллар буни исбот қилади. АҚШ ва Англия ядро қуроли синовларини мисли кўрилмаган тез суръатлар билан давом эттирмоқдалар, ана шу синовларни тўхтатишга рози бўлишлари учун шундай шартларни қўймоқдаларки, бундай шартлар уларнинг очиқдан-очиқ пропаганда мақсадида иш олиб бораётганликларини яққол кўрсатади. АҚШ ва Англия ҳукуматлари ана шу синовларнинг тўхтатилишига амалда ҳар қандай йўллар билан халақит беришга уринмоқдалар.

80 дан ортиқ давлатнинг вакили бўлган Бош Ассамблея ядро қуроли синовларини тўхтатиш масаласи юзасидан, яъни барча мамлакатларнинг, дунёдаги барча халқларнинг манфаатларига бевосита дахли бўлган масала юзасидан ўз фикрини айтиш учун тўла ҳуқуққа эга бўлибгина қолмай, балки очиқравшан айтишга ҳам мажбур эканлигини ким инкор қила олади? Бизнинг фикримизча, ҳамма жойда синовларни тўхтатиш вазифасини мумкин қадар тезроқ ҳал этишни истаётганларгина буни инкор этиши мумкин. Бош Ассамблеянинг бу масала юзасидан ижобий тавсия бериши атом ва водород қуролига эга бўлган давлатлар ўртасида бу қурол синовларини ҳамма жойда ва дарҳол тўхтатиш тўғрисида олиб бориладиган музокараларнинг муваффақиятли чиқишига